

323

К 25



# МАЪНАВИЙ ОЛАМНИ АСРАШ ҚАЙҒУСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯ

*Шариф Қобилов*

# МАЪНАВИЙ ОЛАМНИ АСРАШ ҚАЙҒУСИ

Президент Ислом Каримовнинг  
«Юксак маънавият — енгилмас куч» асарини  
ўрганиш бўйича ўқув қўлланма

„О‘ҚИТУВЧИ“ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ  
ТОШКЕНТ— 2011

УДК:323(575.1)(075)

ББК 66.3.(5Ў)

Қ52

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг  
Тахририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган.*

Тузувчи-муаллиф: Шариф Қобилов

Маънавий оламни асраш қайғуси. Президент Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.

**Тақризчилар:**


**Х. П. Абулқосимов** — иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси проректори.

**Р. Абдуллаев** — тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институти директори вазифасини бажарувчи.

**Ш. О. Мамадалиев** — фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси „Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти“ кафедраси бошлиғи.

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг „Юксак маънавият — енгилмас куч“ (2008 й.) асари асосида тайёрланган бўлиб, ушбу асарнинг энг муҳим фикр ва ғоялари ҳамда мазкур асарнинг асосини ва таърифини белгиловчи омиллар тарҳлар орқали ифодалаб берилган. Бу услуб асардаги муҳим бўлган фикр ва мулоҳазаларни қисқа вақтда ўзлаштириш имконини таъминлаб беради.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ғоят муҳим ва ҳал қилувчи масалалар ўртага қўйилган „Юксак маънавият — енгилмас куч“ асарини ўрганиш бўйича тайёрланган ушбу ўқув қўлланма мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ўқувчилар, олий таълим муассасалари талабалари, олим ва тадқиқотчилар, ўқитувчилар, ижодкор зиёлилар, кенг жамоатчилик вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, умуман, маънавият ва маърифат олами билан қизиқадиганлар, таълим-тарбияга



- © Қобилов Ш.Р., 2011 й.
- © Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011 й.
- © „O‘qituvchi“ НМИУ, 2011 й.

## **МАЪНАВИЙ ОЛАМНИ АСРАШ ҚАЙҒУСИ**

(Сўз боши ўрнида)

Хурматли ўқувчи. Барчамизга маълумки, 2008 йилнинг май ойида давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг „Юксак маънавият — енгилмас куч“ китоби „Маънавият“ нашриётида чоп этилган эди. Китобни эзгу ният билан қўлингизга олганда, унинг дастлабки варағида муаллиф нигоҳига эътиборингиз жалб этилади. Бу, шубҳасиз.

Муаллиф нигоҳида буюк ва муқаддас Ватанинг учун, хокисор Миллатинг учун, юз йиллар давомида энди-энди тоғдай қадди-бастини ростлаб келаётган музаффар Истиқлолинг учун ва шуларнинг барисини деб ўз ҳаётини, азиз бошини, тақдирини, бахтини тиккан фидойи бир инсон узоқ уфқларни, бир неча ўн йилликлар нарини кўзлаган, кеча биз ким эдигу, бугун биз ким бўлдик, деган пурмаъно қарашини илғайсиз.

Бу нигоҳ орқали дунё мамлакатлари ўртасида муносиб ўрин эгаллаётган мустақил ўзбек диёрининг доврўғи, завқи, диди, рафтори, шижоати, ҳиммати сарбаланд, саховатпеша раҳнамосининг қарашларини кўриш мумкин.

Шунингдек, ушбу нигоҳ орқали курашлар гирдобиди турли қаршиликларни ва сиёсий тажовузларни матонат билан енгиб, эзгуликка интилиб яшашга ундаётган, миллий ва маънавий хавфсизликка даъват этаётган дунёдаги бедор бир фуқаронинг, дунёдаги бир йўлбошчининг улкан шижоатли нигоҳидир бу.

Китоб муаллифининг асарнинг илк саҳифасида „**Ватанимизнинг келажиги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, авваламбор, мамлакат фарзандларининг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак**“, деб ҳаракатга ундаши соғлом фикрлайдиган, Ўзбекистоннинг асл фуқаросиман деган ҳар бир инсоннинг республикамизнинг буюк келажигини ташкил этувчи Ёшлар таълими ва тарбиясига дахлдорлик ҳиссини уйғотади, албатта.

Асар билан атрофлича, дилдан танишган инсон, ушбу асарнинг **миллий хавфсизликни таъминлашдаги муҳим омил — маънавий тарбия амалиётига юксак эътиборни англаши мумкин.**

Чунки асар қуруқ ерда пайдо бўлмаган. Президентимиз Ислон Каримовнинг мазкур асарида маънавиятимизнинг тарихи, маданият, маърифат ҳамда мустақиллик йиллари тажрибалари ва бутун дунё миқёсида юз бераётган воқеа-ҳодисалар, инсоният руҳий оламидаги ўзгаришлар тимсолида гоаят таъсирчан тарзда ифодаланганлигини кўриш мумкин.



Ушбу асарда одамзод учун барча замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлиб келган маънавиятнинг маъно-мазмуни, инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни, аҳамияти, бу мураккаб, серқирра тушунчанинг назарий-амалий томонлари кенг қамровли фикр ва хулосалар орқали таҳлил этилганлигини кўрамиз.

Асар муаллифи маънавий юксалишни инсон ўз фаолияти давомида бош мезон сифатида қараш устувор вазифа этиб белгилашга ундайди ва бугунги кундаги тараққиётимизнинг муҳим манбаи эканлигини алоҳида қайд этади.

Юртбошимиз Ислом Каримов „бугунги шиддатли (глобаллашув) даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаши, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин“лигини қайд этади. Асарни синчиклаб, диққат-эътибор билан ўрганиш жараёнида мазкур ўқув қўлланмани „Маънавий оламни асраш қайғуси“ дея номлашга асарнинг ўзи ундади. Шу ўринда ушбу асарнинг муқаддимасида асар муаллифининг сўзларини келтириш ўринли: „Нафақат давлат раҳбари, авваламбор, буюк тарих, маданият ва маърифат эгаси бўлган халқимизнинг бир фарзанди сифатида, ана шу бебаҳо бойликни асраб-авайлаш, уни ҳар хил ошкора ва пинҳона ҳужумлардан ҳимоя қилиш ҳақида қайғурадиган бир инсон сифатида юқорида зикр этилган ўта муҳим ва ўта нозик бу масалалар мени ҳам кўпдан буён ўйлантириб келади“<sup>1</sup>. Бу сўзлар замирида асар муаллифининг биз учун халқимиз, ватанимиз манфаатидан улуғ мақсад йўқ, деган маъно жамланганига яна бир бор иқдор бўламиз.

Ушбу асар инсоннинг юксалишида маънавият оламининг қандай таъсир ва аҳамиятга эга экани, шунингдек, маънавиятга қарши қаратилган хуружларнинг реал хавфи ҳақида атрофлича фикр юритиш, халқимиз янги ҳаёт, янги жамият асосларини қураётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда одамларни бундай хатарлардан огоҳ этиш, эл-юртимиз, кенг жамоатчилик эътиборини бу масалаларга яна бир бор қаратиш, келажак авлодимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш билан боғлиқ вазифаларни аниқ белгилаб олиш борасидаги ҳаётий эҳтиёж маҳсули сифатида дунёга келганлигини айтиш жоиз.

Асарнинг илк саҳифаларидаёқ муаллиф ўз халқининг ҳаётий хавфсизлиги ҳақида қайғуриб, аҳолисининг осойишталиги, барқарорлиги, унинг хавфсизлиги ҳақида, бугун остонамизга ёпирилиб келиши мумкин бўлган хавф-хатарлардан огоҳ этиб, барчамизни қайта-қайта ва такоран сезгирликни йўқотмасликка, эл-юртимиз, айниқса,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., „Маънавият“, 2008. — 16-б.

мамлакатимиз фуқароларининг келажагини ташкил этган маънавиятимизнинг бўлғуси эгалари — Ёшларимизни турли хил мафкуравий хуружлардан асраш борасида олдимизда турган фуқаролик вази-фаларининг аниқ-равшан белгилаб берилганига шоҳид бўламиз!

Муаллиф: „Бинобарин, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин“ лигини баён этиб, „маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим“ лигига эътибор қаратишимизни кўрсатади.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз раҳбари маънавиятнинг бош ҳомийси сифатида мамлакатимиз ижтимоий маданий ҳаётига, хусусан, миллий ва умуминсоний қадриятларга алоҳида эътибор қаратди. Давлат раҳбари сифатида ўзининг ҳар бир маърузаси ёки нутқида, ёзган асарларида юксак маънавият миллий ўзликни англашда муҳим ва ҳал этувчи восита эканлигини уқтириб келмоқда. Бунинг боиси Президент Ислом Каримов маърифий-маданий жамият қуриш, ҳар томонлама баркамол Ватанни шакллантиришда юксак маънавият соҳибларига таяниб иш кўришидадир.

Китобни эътибор билан ўқиган инсон асарнинг муқаддимасидаёқ маънавиятимизга бўлаётган турли кўринишлардаги таҳдидларга алоҳида эътибор берилганини англаб етади. Муаллиф уларнинг турли ниқоблар, жозибали шиор ва ғоялар пардаси остида иш кўриши ва бундай кучларнинг ихтиёрида жуда катта моддий, молиявий ресурслар ва имкониятлар мавжуд бўлиб, уларнинг пухта ўйланган, узоқ ва давомли ёвуз мақсадларга хизмат қилаётганлигини таъкидлайди.

„Шу боис, — деб ёзади муаллиф, — бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин.

Энг ёмони бундай хуружларнинг пировард оқибати одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилганида намоён бўлмоқда“.

Шу ўринда китоб муаллифининг, умуминсоний манфаатлардан келиб чиқадиган фикрини келтириш ўринли бўлади:

„Фақат битта миллат ва халқ ҳақида фикр юритиш масалани ўта тор тушуниш бўлур эди. Яъни бу ўринда сўз фақат бизнинг

(мамлакатимиз фуқароларининг. — Ш.Р.) маънавиятимизга қарши тажовузлар ҳақида азалий фазилатларимиз, миллий қадриятларимизни ана шундай ҳужумлардан асраш хусусида бораётгани йўқ. Муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ушбу муаммони кенг миқёсда, дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари ҳаётига дахлдор масала сифатида ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқдир“.

Муаллифнинг ушбу илмий қарашларидан миллий хусусиятларимизнинг илоҳийлаштирилмаганига яна бир маротаба иқроқ бўлаемиз.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ушбу асарини синчиклаб ўқиган китобхон муаллифнинг миллий-маънавий негизларга таяниш демократик жамиятнинг зарурий шартини эканлигига яна бир қарра, исбот талаб этмайдиган ҳолда ишонч ҳосил қилади.

Китобда илк маротаба „маънавий қурол“ тушунчаси талқин этилади: „Дунёда зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади“.

Шу ўринда Юртбошимиз бундан бир неча йиллар олдин бу муаммо ҳақида тўхталиб, унга шундай таъриф берган эди: „У одамнинг қалбида иккита куч — бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша курашади. Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра, ваҳшийлик, ур-йиқит инстинктлари, яъни хатти-ҳаракатларини кўзгатиш осонроқ“. Шунинг учун ҳам китобда хавфсизликка таҳдид сифатида маънавиятидан маҳрум қилишга эришиш у ёки бу халқни қуролсизлантирилган, демак, у душман олдида ҳимоясиз, охири-оқибатда у хавф-хатарни енгишга ожиз! — деган фикр илгари сурилади.

Шу боис таъкидланадики, ҳар бир виждони уйғоқ инсонни бу борада ўз устида ишлашга йўналтиради, ўз халқини, айниқса, глобаллашув жараёнлари чуқурлашаётган дунёда юксак маънавиятга, мустақкам эътиқодга эга бўлишга ундаётганлиги, шунингдек, бу ўринда бирор ҳудудни забт этиш эмас, дунёвий тараққиётнинг юксак чўққиларини эгаллашда бирор кучга қарши кураш эмас, ўз халқига таҳлика солаётган таҳдидлардан ҳимояланишда муаллифнинг маънавият қудратли қурол бўлишини назарда тутганлигини илғаш зарур.

Шу ўринда асарнинг яна бир муҳим жиҳатини юксак эътибор билан эътироф этиш лозим: „Масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб олиш ниҳоятда қийин“.

Асарда муаллиф маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги ҳақида баҳс юритиб, унга оид Шарқ ва Ғарб Уйғониш даври намояндалари, Ислом оламида ном қолдирган мутафаккирлар, антик давр файласуфларининг қараш ва фикрлари умумлаштирилиб, инсонга хос орзу-интилишларни

рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёслайди. Ушбу қиёслаш орқали давлатимиз раҳбари мамлакат тараққиётида ушбу икки омилнинг юртимиз иқтисодий ва маънавий хавфсизлигини таъминлашдаги беқиёс аҳамиятини кўрсатиб, иқтисодий ва маънавий хавфсизлик таъминланган давлат ва жамиятда иқтисодий ўсиш, юксалиш юз бериши, бу эса, ўз навбатида, мамлакатда амалга оширилаётган туб таркибий ислоҳотлар ғоясини, демократиянинг обрўсини ошириши муайян инсон фаровонлиги ортишини таъкидлаган.

Асарда ҳамма нарса давлат мулки бўлган эски тузумда хусусий мулкка эга бўлиш, тадбиркорлик ва кичик бизнес билан шуғулланиш бизга бегона бўлган тушунчалар сифатида баҳоланганлиги айтилади.

Бугун эса хусусий мулк тушунчасига муносабат ўзгарди, у ҳаётимиздан қанчалар чуқур жой олиб бораётгани, ҳозирги дунёдаги кўпгина тараққий топган барқарор ва бадавлат яшаб келаётган давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, аввало, ўзининг хусусий мулкига эга бўлган шахс ва бундай шахслардан ташкил топган тоифа ўзини ва оиласини боқишга, шу билан бирга, орттирган даромади ҳисобидан ўз яқинлари ва муҳтож инсонларга беғараз ёрдам кўрсатиш, эл-юрт учун хизмат қиладиган мактаб, касалхона, маданият ва спорт масканлари барпо этиш, бир сўз билан айтганда, давлат ва жамият зиммасидаги вазифаларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшади.

Бундай инсонлар ўзларининг фидокорона меҳнати билан мамлакатимизнинг миллий, жумладан, иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга, яъни юртимизда тинчлик-осойишталик ва барқарорликни сақлаш ва ҳимоялаш, ёруғ келажагимизни қуриш учун улкан ҳисса қўшаётганлиги асарда юксак баҳоланган.

Буларнинг барчаси — маънавий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиздан озиқланган иқтисодий тараққиёт йўлимиз жамиятимиз ҳаётига қандай ижобий таъсир кўрсатаётганининг ёрқин ифодасидир.

Асарда бугун, орадан бир неча йиллар ўтганидан кейин ўзига хос миллий тараққиёт йўлини танлаган дастлабки даврни кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, **Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб таркибий ислоҳотлар сиёсатимиздаги маънавий мезонлар доимо ҳал қилувчи омил бўлиб келаётганига алоҳида урғу берилади.**

Шу боис ҳам асар жамиятни маънавий янгилаш мақсадини кўзлайдики, булар — **Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги, Комил инсонни тарбиялаш, Ижтимоий ҳамкорлик, Миллатлараро тотувлик, Диний бағрикенглик** масалаларидан иборат.

Асар билан танишар экансиз, муаллифнинг бағрикенглик билан минтақада яшаётган инсонларнинг тили ва дини, эътиқодидан қатъи назар бу халқларнинг бир-бирига мослашиб, яъни елкадош бўлиб, бир-бирининг оғирини енгил қилиб яшашини тақозо этиб келганига

алоҳида эътибор берганлигини таъкидлаш жоиз. „**Чунки ҳақиқатан ҳам, — дейилади асарда, — минтақамиз заминида истиқомат қиладиган одамларнинг тарқоқ бўлиб яшашига имкон йўқ, табиатнинг ўзи уларни шу руҳда тарбиялаган**“.

Турмуш ва тафаккур тарзимизнинг ажралмас қисмига айланиб кетган мана шундай азалий тушунчалар минтақамизда яшаб ўтган улус алломалар ва мутафаккир зотларнинг қолдирган бебаҳо меросида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топганлиги кўрсатилиб, ўзбек, тожик, қозоқ, туркман, қирғиз халқларининг беназир сиймолари Алишер Навоий, Рудакий, Абай, Махтумқули ёки Тўхтағул каби зотларнинг барчаси ўз ижоди билан нафақат Икки дарё оралиғидаги халқларни, балки бутун башарият фарзандларини доимо меҳр-оқибатли, дўст-биродар бўлиб яшашга даъват этганлиги моҳирлик билан кўрсатилган.

Бу билан асар муаллифи тарихий ҳақиқатга асосланиб, ажодларимизнинг азалдан, айниқса, **Ўрта Осиё муҳитида жамоа, маҳалла бўлиб, бир-бирига меҳр-оқибатли бўлиб яшайдиган инсонларгина маҳалла, жамият, сайёра хавфсизлигини таъминлашга қодирлигини ҳурмат билан тилга олган.**

Шу ўринда асардаги муҳим жиҳат ҳозирги кунда муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳамиятга эга бўлган инсон маънавиятига қарши қаратилган тажовузлар, таҳдидлар миллат ёки чегара билмаслиги ҳақида фикр юритилганлиги бўлиб, муаллиф кенг жамоатчиликни ушбу муаммони кенг миқёсда, дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари ҳаётига дахлдор масала сифатида ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолашга ундайди.

Бу билан асар муаллифи „маънавиятга қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин“, деган илмий хулосани чиқаради ҳамда ота-оналар, устоз-мураббийларнинг таълим-тарбия борасидаги масъулиятини бир неча карра оширишга даъват этадики, бу жамиятимизда худбин кимсалар кўпайишининг олдини олади.

Бу билан бугунги шиддатли даврда асар муаллифи „чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши“ни таъкидлайдики, бу, ўз навбатида, „Юксак маънавият — енгилмас куч“ эканлигини ижтимоий ҳаётнинг ўзи исботлаётгани барчага маълум ҳақиқат.

Асарда буюк ажодлар ҳамда халқимизнинг ибратли, ҳикматли сўзларига таяниб, ҳалоллик ва нопоклик, қинғир-қийшиқ, ҳаром-хариш йўллар билан бойлик орттириш муаммолари ҳақида сўз юритилади.

Лўнда қилиб айтганда, китобда бир-бирига қарама-қарши бўлган, бир-бирини инкор қиладиган икки хил ҳаётий қараш келтирилади:

*биринчиси* — ўз нонини ҳалол меҳнат билан топадиган, холис ва эзгу ишлар билан эл-юртга наф етказадиган, тириклик мазмунини теран англаб, нафақат бугунги ҳаёт лаззатлари, балки **охират ҳақида**, унинг обод бўлиши ҳақида ўйлаб яшайдиган инсонларга хос ҳаётий қараш;

*иккинчиси* — ҳаётнинг маъно-мазмунини ҳақида бош қотирмасдан, бундай саволлар билан ўзини қийнамасдан, фақат **нафс қайғуси** ва ўткинчи ҳою-ҳавасга, ҳузур-ҳаловатга берилиб, енгил-елпи умр кечирадиган, ўзининг ота-она ва фарзанд, эл-юрт олдидаги бурчига умуман бепарқ бўлиб яшайдиган одамларнинг фикр-қарашлари.

Юқоридаги каби мураккаб муаммоларга, мавзуларга бағишланган кўплаб асарлар яратилганига қарамасдан, бу масала ҳануз ўткир ва долзарб бўлиб қолаётгани асарда ташвиш билан тилга олинган ва **инсонларни Шайтон измида эмас, Раҳмон измида юришга тилак билдирилади**. Шу ўринда муаллиф маънавиятнинг яна бир муҳим хусусияти ҳақида сўз юритиб, у одамнинг ички дунёси ва иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қилишда намоён бўлишини ҳамда турли халқларнинг ички дунёси ва иродаси маънавият негизидан янада тоблангани ва камолга етганига алоҳида эътибор қаратган.

Китоб муаллифи, ёши ва вазифасидан қатъи назар, ҳар бир фуқарони энг аввало виждони уйғоқ, руҳан пок, имони бутун бўлишга ундайди, бундай инсон ён атрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бепарқ қарай олмайди.

Асарда муаллиф мамлакатимиз келажагини ва обрў-эътиборини қадрлайдиган ҳар бир виждони уйғоқ фуқарони коррупция ва манфаатпарастликни миллий тараққиётимизга таҳдид сифатида доимо эсда тутмоқликка ундайдики, коррупция XXI асрга келиб глобал ҳодисага айланиб, иқтисодий таҳликани юзага келтирувчи кучга айланганлигини бутун дунё жамоатчилиги эътироф этмоқда.

Шунингдек, муаллиф коррупция ва манфаатпарастликни бошқаларни менсимаслик каби иллатларни келтириб чиқариши ва охи-оқибатда унинг иқтисодий ўсишга ва оммавий фаровонликни оширишга тўсқинлик қилувчи куч сифатида баҳолайди.

Шу боис ҳам, китоб муаллифи кенг жамоатчилигимиз, зиёлиларимиз, олим ва адибларимиз, санъат ва маданият аҳли, ўзини маънавият соҳасига бағишлаган барча инсонларни у ёки бу мамлакатда умумбашарий ва хатарли ҳодиса бўлган, инсон қалбини камситадиган ислохотлар ғоясини обрўсизлантирадиган иллат, коррупцияга қарши кураш ҳамда унинг минимал даражасига эришиш мақсадида энг аввало кенг жамоатчилик онгига коррупциянинг иқтисодий, сиёсий,

ижтимоий ва маънавий соҳалардаги ислоҳотларнинг ривожланишига ва иқтисодий ўсишга ғов эканлиги, барча одамларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган *Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги, Комил инсон, Ижтимоий бирдамлик, Диний бағрикенглик, Миллатлараро тотувлик* каби юксак тушунчаларни рўёбга чиқаришга салбий таъсир этувчи таҳдид эканлигини сингдириш зарурлиги сингари вазифаларни қўяётганлигини англаш лозим.

Асарда инсон маънавиятини шакллантирадиган асосий мезонлар кўрсатилиб, атрофлича таҳлил этилган. Бу борада маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллар бўлиб хизмат қилиши баён этилган. Асарда ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашувида намоён бўлаётган, саёз, юзаки ахборот манбаларига ҳам эга ахборот майдонини, шунингдек, айрим ишчилар, оилалар ва элатлар учун яшаш жойини ўзгартириш ҳамда молиявий ноаниқлик билан боғлиқ хавф-хатарнинг ортишида намоён бўладиган таҳдидларга эга бўлган глобаллашув жараёнларининг кўп қиррали ҳодиса эканлиги таҳлил этилган бўлиб, ёшларимизни комил инсон этиб тарбиялашга умумдавлат иши деб қаралган.

**Мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга** бугунги замонда муаллиф жамият аҳлини доимо огоҳ бўлишга, ўз мустақил фикрига эга бўлишга, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам ирода соҳиби бўлишга ундайдики, бу неъматлар турли хил маънавий таҳдидларга, гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишда бўлсин қарши тура олади.

Асарда глобаллашув жараёнининг ўзига хос жиҳатлари кўрсатилиб, улардан бири глобаллашувнинг ҳозирги шароитда мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётгани таъкидланадики, буни соғлом фикрлайдиган ҳар бир инсон тезда илғаши лозим.

Шу боис ҳам, китобда, „... бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тифизлиги, шу қадар тезкорлиги кўрсатилиб, жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда фарзандларимиз онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди“, деб ёзади муаллиф.

Шу ўринда муаллиф аксинча ёшларнинг таълим-тарбиясига масъул ҳар бир фуқаро „ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун биз нималарга таяниб-суяниб иш олиб боришимиз керак“, деган саволга китобда ҳаёт тажрибаларига асосланиб „тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшаш зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган,



пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин“ деб жавоб беради.

Дарҳақиқат, асар барчани „қадам-бақадам, фаровон яшаш учун билим кераклигига, интеллект, ақл-заковат зарурлигига“ давъат этадики, ушбу давъат фақат ва фақат билимли ёшларнинг турли таҳдидларга иммунитетни бардошли бўлишини ифодалайди. Фақат билимли инсон эзгу фикр юритади, яхши ва ёмонни, эзгулик ва ёвузликни ажрата олади, фикрда ва ҳаракатда ҳеч кимга қарам бўлмайди. Шунингдек, асар глобаллашув жараёнида билимли, ақлий сафарбар ёшлар ишсиз қолмаслигига ҳам ишора қиладики, бу фикрларни ёшларимизни давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлардан кенг фойдаланишга, мамлакатимизнинг қайси шаҳар ёки қишлоғида бўлмасин, йилт этган истеъдод уққунини қўрганда, ҳаммамиз уни пайқаб, ардоқлаб, парвона бўлиб, унга йўл очиб беришга ҳасад қилиб эмас, ҳавас қилиб яшашга чорлайди.

Вайронкор мафкуранинг кўпроқ кучга эга бугунги замонда муаллиф жамият аҳлини доимо огоҳ бўлишга, ўз мустақил фикрига эга бўлишга, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам ирода соҳиби бўлишга ундайдики, бу неъматлар турли хил маънавий таҳдидларга, хоҳ ошқора, хоҳ пинҳона кўринишда бўлсин қарши тура олади.

Асарда глобаллашув жараёнининг ўзига хос жиҳатлари кўрсатилиб, улардан бири глобаллашувнинг ҳозирги шароитда мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий куч ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётгани таъкидланадики, буни соғлом фикрлайдиган ҳар бир инсон тезда илғаши лозим.

Бунда „*эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал*“ билан қилинадиган ишлар, **беминнат ҳожатбарорлик, саховатпешалик, юксак маънавиятга инсоннинг зарур хислати** деб қаралиб, муаллиф томонидан жамият ҳаётининг устувор ғояси сифатида ёритилган.

Ҳақиқатан ҳам, комил инсонлар қанча кўп бўлса, мамлакат шунчалик қудратли ва фаровон бўлади. Тараққиёт имкониятлари кенгайиб, ҳам иқтисодий юксалиш, ҳам маънавий юксалиш юз беради.

Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг ушбу асарининг мазмун-моҳияти ҳам ана шу ҳақиқатни оммага етказишга қаратилган.

Зеро, юксак маънавиятли инсонгина комил инсондир. Муаллиф маънавиятни бундай таърифлайди: „**Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир**“.

Бизнингча, асарда руҳий покланиш, қалбни улғайтириш, ироданинг бақувватлиги, имон-эътиқод бутунлиги, яъни инсоннинг ботиний оламини бойитадиган, уни ҳақиқий инсонлик мавқеига кўтарадиган фазилатлар ҳақида сўз юритилади. Китоб ана шу

фазилатларга эга бўлган инсоннинг комил эканлигини, бунда одамлар калондимоғлик, нафсу ҳавога берилиш, бефарқлик, хиёнатдан узоқ юриши, дину диёнати ва орияти юксак бўлишини, жамият аҳлига тушунтиришда чарчамасликка ундайди.

Китобнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, тарихий аҳамиятга молик, 1990 йилнинг 24 мартада (истиқлолимиздан бир ярим йил олдин собиқ Иттифоқ даврида) республика Олий Кенгашининг биринчи сессиясида президентлик бошқаруви жорий этилган даврда ўсиб келаётган авлодга унинг маънавий тарбиясига жуда катта масъулият ҳисси билан ёндашиш масаласининг келтирилишидир. Бунда муаллиф ёшларга юксак ишонч билдириб, уларни халқимиз маънавиятининг муносиб эгалари сифатида баҳолаган.

Асарнинг яна бир муҳим хислати шундаки, муаллиф „Ўзбек номини, ўзбек илм-фани ва маданиятини, халқимизнинг юксак салоҳиятини, унинг буюк ишларга қодир эканини дунёга намойиш қилишда юртимиз заминидан етишиб чиққан юзлаб улуғ зотларнинг фидойилик намуналари“ни ақс эттирилганлигидир.

Умумбашарий тараққиёт йўлимизда дунё аҳли маънавиятини шаклланишида буюк ҳисса қўшган ушбу беназир сиймолар, умум-башарий тараққиёт йўлимизда аждоларимиз:

1. „Муҳаддислар султони“ Имом Бухорий.
2. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий.
3. „Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи“ деган юксак шарафли номга эга бўлган нодир шахс Имом Мотуридий.
4. Ислом ҳуқуқшунослигининг улкан намояндаси, дин ва миллатнинг хужжати, деган юксак унвон соҳиби Марғиноний.
5. Буюк аллома, азиз-авлиёларимиз Абдулҳолиқ Фиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд.
6. Ўнлик саноқ системаси, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фан соҳасига жорий этган буюк зот Муҳаммад Мусо Хоразмий.
7. Ўз замонасининг фундаментал фан асосчиларидан бири — Аҳмад Фарғоний. Европада Алфраганус номи билан машҳур бўлган бу ажлодимизнинг номи ХХI асрда ойдаги кратерлардан бирига берилган.
8. Қомусий тафаккур соҳиби Абу Райҳон Беруний (тарихчи олим Сартон ХI асрни „Беруний асри“ деб таърифлаган).
9. Беназир аллома, ноёб фазилатлар соҳиби, дунё тиббиёт илмининг асосчиси, „Тиб қонунлари“ асари билан дунёга машҳур Ибн Сино.
10. Араб тили грамматикасини мукаммал тарзда ишлаб чиққан Хоразм диёрилиқ ватандошимиз Маҳмуд Замахшарий.
11. Мовароуннаҳр диёрининг нафақат қарийб 40 йиллик ҳукмдори, балки ўзида минглаб юлдузлар ҳаракатини жамлаган мукаммал астрономик жадвал яратган буюк аллома Мирзо Улуғбек.

12. Халқимиз онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида муҳим роль ўйнаган, миллатимизнинг ҳудуди, шаъну шарафини дунёга таран-нум қилган ўлмас сўз санъаткори — Алишер Навоийнинг буюк хизматлари асар қалбидан ўрин олганлигидир.

Асарда яна бир муҳим жиҳат тарихимизнинг қайси даврини олмайлик, юртимизда илму маърифат ва юксак маънавиятга интилиш ҳеч қачон тўхтамаганини, халқимиз даҳосининг ўлмас тимсоли сифатида энг оғир ва мураккаб даврларда ҳам яққол намоеън бўлганини чоризм мустахлакаси даврида маърифат гоёсини баланд кўтариб чиққан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби маърифатпарварлар ҳамда ана шундай улуғ аждодларимизнинг илмий-иждоий мероси ва ибратли фаолиятларини диёримизда давом эттирган Қори Ниёзий ва Тошмуҳаммад Саримсоқов, Ҳабиб Абдуллаев ва Саъди Сирожиiddинов, Обид Содиқов ва Собир Юнусов, Яхё Фуломов ва Бўрибой Аҳмедов, Ойбек ва Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор ва Зулфия, Саид Аҳмад ва Озод Шарафиддинов, Лутфихоним Саримсоқова ва Ҳалима Носирова, Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев ва бошқа кўплаб номлари дунёга танилган машҳур илм-фан, адабиёт ва маданият арбобларининг етишиб чиқишига мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилганлигини эътироф этишга ва улар хизматини унутмасликка ундайди ҳамда бундай бетакрор сиймоларнинг мавжудлиги ўзига хос бир феномен, яъни ўта ноёб ҳодиса деб эътироф этилганлигидир.

Асарнинг яна бир муҳим қиммати унда „Ўзбек номини, ўзбек илм-фани ва маданиятини, халқимизнинг юксак салоҳиятини, унинг буюк ишларга қодир эканини дунёга намойиш қилишда юртимиз заминидан етишиб чиққан юзлаб „улуғ зотларнинг фидойилик намуналари“ акс эттирилганидир.

Асарда, шунингдек, адолатли равишда буюк саркарда Амир Темур портретини яратиш масаласи ёритилган бўлиб, китобхон муаллифнинг Соҳибқироннинг мумтоз қиёфаси яратилишида бош-қош бўлганлигини тезда илғайди ҳамда давлатимиз раҳбари „Соҳибқирон бобомиз қўлида найза эмас, отнинг жиловини тутиб тургани маъқул“, деган фикрини билдирадики, бунинг рамзий маъноси бор. Чунки салтанатда найза кўтарган одамлар кўп бўлган, аммо жилов Амир Темурнинг қўлида бўлган. Бу мустаҳкам давлат тизимини қўлда маҳкам тутиб туришни англатади. Шу билан бирга, „буюк аждодимизнинг иккинчи қўлини баланд кўтариб, дунёдаги барча инсонларга тинчлик-омонлик, бахт-саодат тилаётган аснода акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлар эди“, деган фикрни билдиради. Бу билан асар муаллифи „Амир Темур сиймосини ким қаерда кўрмасин, унинг мардона, улуғвор ва донишманд қиёфасини беҳато таний оладиган бўлсин“, деган фикрни билдирганини кўраимиз.

фазилатларга эга бўлган инсоннинг комил эканлигини, бунда одамлар калондимоғлик, нафсу ҳавога берилиш, бифарқлик, хиёнатдан узоқ юриши, дину диёнати ва орияти юксак бўлишини, жамият аҳлига тушунтиришда чарчамасликка ундайди.

Китобнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, тарихий аҳамиятга молик, 1990 йилнинг 24 мартда (истиқлолимиздан бир ярим йил олдин собиқ Иттифоқ даврида) республика Олий Кенгашининг биринчи сессиясида президентлик бошқаруви жорий этилган даврда ўсиб келаётган авлодга унинг маънавий тарбиясига жуда катта масъулият ҳисси билан ёндашиш масаласининг келтирилишидир. Бунда муаллиф ёшларга юксак ишонч билдириб, уларни халқимиз маънавиятининг муносиб эгалари сифатида баҳолаган.

Асарнинг яна бир муҳим хислати шундаки, муаллиф „Ўзбек номини, ўзбек илм-фани ва маданиятини, халқимизнинг юксак салоҳиятини, унинг буюк ишларга қодир эканини дунёга намойиш қилишда юртимиз заминидан етишиб чиққан юзлаб улуг зотларнинг фидойилик намуналари“ни акс эттирилганлигидир.

Умумбашарий тараққиёт йўлимизда дунё аҳли маънавиятини шаклланишида буюк ҳисса қўшган ушбу беназир сиймолар, умумбашарий тараққиёт йўлимизда аждоқларимиз:

1. „Муҳаддислар султони“ Имом Бухорий.
2. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий.
3. „Мусулмонларнинг этиқодини тузатувчи“ деган юксак шарафли номга эга бўлган нодир шахс Имом Мотуридий.
4. Ислом ҳуқуқшунослигининг улкан намояндаси, дин ва миллатнинг ҳужжати, деган юксак унвон соҳиби Марғиноний.
5. Буюк аллома, азиз-авлиёларимиз Абдулхолиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд.
6. Ўнлик саноқ системаси, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фан соҳасига жорий этган буюк зот Муҳаммад Мусо Хоразмий.
7. Ўз замонасининг фундаментал фан асосчиларидан бири — Аҳмад Фарғоний. Европада Алфраганус номи билан машҳур бўлган бу аждоқимизнинг номи XXI асрда ойдаги кратерлардан бирига берилган.
8. Қомусий тафаккур соҳиби Абу Райҳон Беруний (тарихчи олим Сартон XI асрни „Беруний асри“ деб таърифлаган).
9. Беназир аллома, ноёб фазилатлар соҳиби, дунё тиббиёт илмининг асосчиси, „Тиб қонунлари“ асари билан дунёга машҳур Ибн Сино.
10. Араб тили грамматикасини мукамал тарзда ишлаб чиққан Хоразм диёрилиқ ватандошимиз Маҳмуд Замахшарий.
11. Мовароуннаҳр диёрининг нафақат қарийб 40 йиллик ҳукмдори, балки ўзида минглаб юлдузлар ҳаракатини жамлаган мукамал астрономик жадвал яратган буюк аллома Мирзо Улуғбек.

12. Халқимиз онги ва тафактури, бадиий маданияти тарихида муҳим роль ўйнаган, миллатимизнинг ҳудуди, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткори — Алишер Навоийнинг буюк хизматлари асар қалбидан ўрин олганлигидир.

Асарда яна бир муҳим жиҳат тарихимизнинг қайси даврини олмайлик, юртимизда илму маърифат ва юксак маънавиятга интилиш ҳеч қачон тўхтамаганини, халқимиз даҳосининг ўлмас тимсоли сифатида энг оғир ва мураккаб даврларда ҳам яққол намоён бўлганини чоризм мустамлакаси даврида маърифат гоёсини баланд кўтариб чиққан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби маърифатпарварлар ҳамда ана шундай улуғ ажодларимизнинг илмий-ижодий мероси ва ибратли фаолиятларини диёримизда давом эттирган Қори Ниёзий ва Тошмуҳаммад Саримсоқов, Ҳабиб Абдуллаев ва Саъди Сирожиддинов, Обид Содиқов ва Собир Юнусов, Яҳё Фуломов ва Бўрибой Аҳмедов, Ойбек ва Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор ва Зулфия, Саид Аҳмад ва Озод Шарафиддинов, Лутфихоним Саримсоқова ва Ҳалима Носирова, Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев ва бошқа кўплаб номлари дунёга танилган машҳур илм-фан, адабиёт ва маданият арбобларининг етишиб чиқишига мустақкам замин бўлиб хизмат қилганлигини эътироф этишга ва улар хизматини унутмасликка ундайди ҳамда бундай бетакрор сиймоларнинг мавжудлиги ўзига хос бир феномен, яъни ўта ноёб ҳодиса деб эътироф этилганлигидир.

Асарнинг яна бир муҳим қиммати унда „Ўзбек номини, ўзбек илм-фани ва маданиятини, халқимизнинг юксак салоҳиятини, унинг буюк ишларга қодир эканини дунёга намоёйиш қилишда юртимиз заминидан етишиб чиққан юзлаб „улуғ зотларнинг фидойилик намуналари“ акс эттирилганидир.

Асарда, шунингдек, адолатли равишда буюк саркарда Амир Темур портретини яратиш масаласи ёритилган бўлиб, китобхон муаллифнинг Соҳибқироннинг мумтоз қиёфаси яратилишида бош-қош бўлганлигини тезда илғайди ҳамда давлатимиз раҳбари „Соҳибқирон бобомиз кўлида найза эмас, отнинг жиловини тутиб тургани маъқул“, деган фикрини билдирадики, бунинг рамзий маъноси бор. Чунки салтанатда найза кўтарган одамлар кўп бўлган, аммо жилов Амир Темурнинг кўлида бўлган. Бу мустақкам давлат тизимини кўлда маҳкам тутиб туришни англатади. Шу билан бирга, „буюк ажодимизнинг иккинчи кўлини баланд кўтариб, дунёдаги барча инсонларга тинчлик-омонлик, бахт-саодат тилаётган аснода акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлар эди“, деган фикрни билдиради. Бу билан асар муаллифи „Амир Темур сиймосини ким қаерда кўрмасин, унинг мардона, улуғвор ва донишманд қиёфасини беҳато таний оладиган бўлсин“, деган фикрни билдирганини кўрамиз.

Ушбу асар Эл-юрт, Ватан манфаати йўлида халқимизни аҳилликка, инсон руҳий дунёси, маънавий оламини бақувват этишга, иродасини мустаҳкамлашга ундайди, бирлаштиради ва дунёвий тараққиёт йўлимиздан боришга илҳомлантиради.

Шунингдек, асар ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво кузатувчи бўлиб яшаётган одамларни хушёр бўлишга даъват этади ҳамда фарзандларимизни миллий табиатимизга ёт зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишга, уларни ҳаётга, ён атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мустақил фикрлайдиган қилиб тарбиялашга чорлайди.

Асардаги „Энг буюк жасорат“ мавзуси юксак эътиборга лойиқ. Асар муаллифи „Ер юзидаги барча ўлмас обидалар, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуг кашфиёт ва ихтиролар, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари, мардлик ва қаҳрамонлик намуналари одамзоднинг ақл-тафаккури, салоҳияти ва маънавий жасорати маҳсулидир. Шунинг учун ҳам бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат — бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз“, деб ёзади. Бу билан асар муаллифи барчамиздан талаб қилинадиган „маънавий жасорат“ тушунчасини фанга киритади. Бошқача айтганда асар билан танишган ўқувчи ушбу китобда 50 га яқин тушунчаларни фанга киритилганини илғайди. Шу каби ҳар бир илмий янгилик, яратилган кашфиёт — бу янгича фикр ва дунёқарашга туртки беради. Энг муҳими инсон маънавий оламига ўзига хос таъсир ўткази.

Асар муаллифи ўз тақдирини Ватан тақдири билан боғлаган ҳар бир фуқарони „ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлари сари чарчамай, толиқмай, тинимсиз сафарбар этиб бериш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш“га ундаганлигини уқиймиз.

Мана шундай фаолият мезонини асар муаллифи ҳақиқий қаҳрамонлик деб, кундалик ҳаётда жонкуяр бўлиш, ҳар куни фидойилик кўрсатиш, руҳан ҳеч қачон букилмай, бу фазилатни ҳаёт қоидаси даражасига кўтариш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермаслигини очиқчасига ёзади ва бунинг учун инсонга буюк қалб ва метин ирода кераклигини таъкидлайди ва ҳаётини мисоллар негизда исботлаб беради. Асардаги шу каби жиҳатлар таълим-тарбия билан шуғулланувчиларни ёшларда Ватанга муҳаббат туйғуси каби хислатларни шакллантиришда, уларни комил инсон этиб, ҳаётда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсата оладиган инсонлар сифатида тарбиялашда муҳим педагогик восита бўлиб хизмат қилади.

Муаллиф асарда санъат ва маданиятдек қудратли куч орқали инсон қалбига йўл топишга ундайдики, бу борада ҳар қайси ижодкор ўз асарларида юрт тинчлиги, Ватан ва халқ манфаати, эзгулик ва инсонийлик каби ўлмас ғояларни бош мақсад қилиб қўйса, уларни

бадий маҳорат билан ифода эта олса, ҳеч шубҳасиз, адабиёт ҳам, маданият ва санъат ҳам **том маънода маънавий юксалишга** хизмат қилиб, ўзининг ижтимоий вазифасини тўлиқ адо этишга эришишини таъкидлаб, „ноёб истеъдод эгаларини ўзига хос бир оламлигини, шу сабабли ижод аҳлига қандайдир ақл ўргатиш, энг асосийси, уларни бошқаришга уриниш мумкин эмас“лигини ўта камтарлик билан баён этган.

Асар ҳар бир жамоа, маҳалла аҳлини, жамият ва миллатни обрў-сизлантирадиган хатти-ҳаракатлар, игво, фиску фасоддан, яъни кўлидан ижтимоий-фойдали иш келмаганидан бошқаларнинг ишига халақит бериш каби иллатлардан холи бўлишга ундайди. Дарҳақиқат, асарда таъкидланганидек, бундай иллатлардан фақат ва фақат билимли, юксак маънавият соҳиблари халос бўла олади. Фақат билимли инсонгина ташлаётган қадамига эътиборлироқ бўлади.

Китобни меҳр-муҳаббат билан ўқиган китобхон муаллифнинг муқаддас китобларга, аждодларимизнинг бетакрор тафаккурига, халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдоналарига асосланиб, бундан юз йиллар олдин айтилган сўзларни гўё улар бугун айтилаётгандек қилиб китобхонларга етказганлигини сезади.

Кўйида биз бу ҳикматли сўзларнинг жамоатчилигимиз учун, масъул лавозимларда ишлаётганлар учун, айниқса, ёш авлодни тарбиялашда ҳамда жамият аҳлининг ёмон иллатлардан тийилишида ўта долзарблигини англаган ҳолда келтиришни лозим топдик:

- „Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал“ — ибратли тамойил („Авесто“);
- Ота-боболаримизнинг қадимий тасаввурига кўра, ўқ-ёй ҳокимият нишони ҳисобланган. Алпомиш етти ёшида ўн тўрт ботмон биринчдан — бронзадан ясалган ёйдан ўқ отиб, „алп“ деган унвонга эга бўлади. „Алп“ дегани — ҳокимият эгаси эканини инобатга олсак, бу дoston кўп асрлик миллий давлатчилигимизнинг бадий ифодасидир („Алпомиш“);
- Дилинг Оллоҳда, кўлинг меҳнатда бўлсин (Баҳоуддин Балогардон);
- „Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир“ („Темур тузуклари“);
- „Билаги зўр — бирни, билими зўр — мингни йиқар“ (Амир Темур);
- „Қуш уясида кўрганини қилади“ (Халқ мақоли);
- „Маҳалла — ҳам ота, ҳам она“ (Ҳикмат);
- „Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир“ (Абдулла Авлоний);
- „Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсататурғон ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур“ (Абдулла Авлоний);
- „Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона



Ушбу асар Эл-юрт, Ватан манфаати йўлида халқимизни аҳилликка, инсон руҳий дунёси, маънавий оламини бақувват этишга, иродасини мустаҳкамлашга ундайди, бирлаштиради ва дунёвий тараққиёт йўлимиздан боришга илҳомлантиради.

Шунингдек, асар ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво кузатувчи бўлиб яшаётган одамларни ҳушёр бўлишга даъват этади ҳамда фарзандларимизни миллий табиатимизга ёт зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишга, уларни ҳаётга, ён атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мустақил фикрлайдиган қилиб тарбиялашга чорлайди.

Асардаги „Энг буюк жасорат“ мавзуси юксак эътиборга лойиқ. Асар муаллифи „Ер юзидаги барча ўлмас обидалар, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуғ кашфиёт ва ихтиролар, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари, мардлик ва қаҳрамонлик намуналари одамзоднинг ақл-тафаккури, салоҳияти ва маънавий жасорати маҳсулидир. Шунинг учун ҳам бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат — бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз“, деб ёзади. Бу билан асар муаллифи барчамиздан талаб қилинадиган „маънавий жасорат“ тушунчасини фанга киритади. Бошқача айтганда асар билан танишган ўқувчи ушбу китобда 50 га яқин тушунчаларни фанга киритилганини илғайди. Шу каби ҳар бир илмий янгилик, яратилган кашфиёт — бу янгича фикр ва дунёқарашга туртки беради. Энг муҳими инсон маънавий оламига ўзига хос таъсир ўткази.

Асар муаллифи ўз тақдирини Ватан тақдири билан боғлаган ҳар бир фуқарони „ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини тўмчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлари сари чарчамай, толиқмай, тинимсиз сафарбар этиб бериш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш“га ундаганлигини уқиймиз.

Мана шундай фаолият мезонини асар муаллифи ҳақиқий қаҳрамонлик деб, кундалик ҳаётда жонкуяр бўлиш, ҳар куни фидойилик кўрсатиш, руҳан ҳеч қачон букилмай, бу фазилатни ҳаёт қоидаси даражасига кўтариш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермаслигини очиқчасига ёзади ва бунинг учун инсонга буюк қалб ва метин ирода кераклигини таъкидлайди ва ҳаётини мисоллар негизда исботлаб беради. Асардаги шу каби жиҳатлар таълим-тарбия билан шуғулланувчиларни ёшларда Ватанга муҳаббат туйғуси каби хислатларни шакллантиришда, уларни комил инсон этиб, ҳаётда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсата оладиган инсонлар сифатида тарбиялашда муҳим педагогик восита бўлиб хизмат қилади.

Тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш

Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш

каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар, авваламбор маҳалла муҳиtida ривожланган.

Биз „Маҳалла – ҳам ота, ҳам она“ деган ҳикматли нақлнинг ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси эканлиги“ асарда алоҳида таъкидланганлигини ва бу бетакрор қадриятга амал қилишимизга ундаганлигини кўраимиз.

## 2.14.4. Мустақиллик йилларида маҳалла институтини тиклаш ва мустаҳкамлаш тўғрисида



*Ўзбекистон сиёсатининг халқчиллиги боис, давлатчилигимиз тарихида биринчи марта „маҳалла“ тушунчаси Конституцияга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатий белгилаб қўйилди.*

## 2.15. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИНИНГ – ИНСОН МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ ТЎҒРИСИДА

*Инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови бўлган таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожланишини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим амалдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизими ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди.*

*Ислом Каримов*

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ соҳасида:

Юзаки, расмий ёндашувларга изн берилмаслиги

Пухта ўйланмаган ишларга мутлақо йўл қўйиб бўлмаслиги

Мақтаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши асосий қонунимизда белгилаб қўйилганлиги, ...Шу билан бирга, бу кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб-қувватлашини талаб қиладиган **УМУМИЙ МАСАЛА ЭКАНЛИГИ** Асарда вазифа сифатида белгиланганлигини Ўзбекистоннинг ҳар бир асл фуқароси эсдан чиқармаслиги лозим.

## 2.15.1. Таълим-тарбия яхлитлиги ҳақида

*Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафасидир.*

*Ислом Каримов*

Абдулла Авлоний:

ТАРБИЯ БИЗ УЧУН:

Ё ҲАЁТ

Ё НАЖОТ

Ё САОДАТ

Булар хавфсизлик шарти:

Ё МАМОТ

Ё ҲАЛОКАТ

Ё ФАЛОКАТ

Булар ТАҲДИДДИР

Собиқ Иттифоқ даврида:

Хар қайси ўқув юртини битирувчиларнинг билимига қараб эмас, аксинча, уларнинг собиқ Совет тузими ва сохта ғояларга садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойили асосий ўринни эгаллаган.

Кўп ҳолларда сифат ўрнига сон кетидан қувиш устунлик қилган.

Аксарият ёшлар ҳақиқий билим ёки малака орттириш мақсадида эмас, кўпроқ амалда дипломли бўлиб олиш илинжида техникум ва институтларга кирган.

## 2.15.2. Мустақиллик йилларида таълим-тарбия ривож

### МАЪЛУМОТ УЧУН:


*Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, бутун мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-ҳунар ўргатиш тизимларини тубдан ислоҳ қилишга ниҳоятда катта зарурат сезила бошлаган бир пайтда... ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараён узоқ йиллар мобайнида бу соҳада талай муаммолар йиғилиб қолганини кўрсатади. Давлатимиз раҳбари Ислоом Каримов ушбу дастур лойиҳаси устида (саккиз ой мобайнида) ишлаш жараёнида шахсан амин бўлганлигини, шунинг учун ҳам бу оғир, масъулиятли, аммо ҳал қилишни асло пайсалга солиб бўлмайдиган ишни қадам-бақадам, изчиллик билан бажаришга бел боғланганлигини асар билан атрофлича танишган ўқувчи илғайди.*

Охирги йилларда таълим-тарбия соҳасида амалга оширган, кўлами ва моҳиятига кўра, улкан ишларимиз биз кўзлаган эзгу ниятларимизга эришиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш, ёшларимиз, бутун халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида мустаҳкам замин яратади.



### 3-маву. МАЪНАВИЙ ВА МОДДИЙ ОЛАМ УЙҒУНЛИГИ

#### 3.1. МАЪНАВИЙ ВА МОДДИЙ ОЛАМ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТ ҲАҚИДА



### 3.2. ТОТАЛИТАР – РЕЖАЛИ ТУЗУМ ДАВРИ ҲУКМРОН ҚАРАШЛАРИ



### 3.3. МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ОЛАМ БИРЛИГИ

Инсон ўз тимсолида ҳам моддий, ҳам маънавий хусусият ва аломатларни мужассам этган ноёб хилқат, Яратганнинг буюк ва сирли мўъжизасидир. Шунинг учун ҳам унинг ички дунёси, унга ато этилган фазилат ва хислатларини охиригача англаш, тушунишнинг ўзи ўта мураккаб масала.


Асарда мана шу қараш ва фикрлар умумлаштирилиб

„Инсонга хос орзу-иятилишларни рўёбга чиқариш унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўринли бўлади“ – деб умумлаштирилади.

Моддий ва маънавий омил

*Қачонки, ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънода қўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш, ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади.*

### 3.4. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ОЛАМ УЙҒУНЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА




Шу ўринда:

Баъзи бир сиёсатчи ва назарийчиларнинг, олдин моддий ҳаётни, кейин маънавий масалаларни ўйлаш керак, деган мазмундаги фикрлари мутлақо хато бўлиб, янги жамият, янги ҳаёт қуриш жараёнида фақат зарар етказиши мумкинлигини бугун ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда тасдиқлаб бермоқда.

Асар муаллифи:

„Юксак тараққиётга эришишни орзу қиладиган ҳар бир инсон ва жамият ўз ҳаётини айнан ана шундай диалектик ва узвий боғлиқлик асосида қурган ва ривожлантирган тақдирдагина ижобий натижа бера олишини“ таъкидлайди. Ва ана шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, „биз иқтисодий ўнгиланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланиш жараёнларининг МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ҲАРАКАТЛАРИ билан тамомила уйғун равишда ривожланиб боришини доимо давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказига қўйганлигини“ алоҳида қайд этади.



*1991 йил 31 август са-  
насида қўлга киритилган  
миллий мустақиллик — XX аср  
халқимиз томонидан амалга  
оширилган буюк маънавий жа-  
сорат намунаси.*


*Ислом Каримов*

## ***ИККИНЧИ БОБ***

# **МУСТАҚИЛЛИК — МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ**

## 4-мавзу. МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

### 4.1. МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ МОҲИАТИ




Мустақилликни қўлга киритган кунлардан бошлаб, биз миллий ғоямизнинг энг асосий тушунча ва тамойилларини белгилаб олиш ва ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик


БУНДА:

Авваламбор, мустақилликни асраб-авайлаш, уни янада мустақкамлаш билан боғлиқ эканидан келиб чиққан ҳолда, миллий ғоямизнинг маъно-мазмунини ҳам ана шундай мезонлар негизида белгилаш вазифа қилиб белгиланди ва бу борада қанча эътиборли ишлар амалга оширилди.

## 4.2. МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ




### 4.3. ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ НЕГИЗИДИР







#### 4.4. МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ ВАТАНИМИЗДА ЯШАЎТГАН БАРЧА МИЛЛАТ ВА ЭЛАТЛАРГА ДАХЛДОРЛИГИ




#### 4.5. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ ҲАҚИДА



#### 4.6. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИНГ ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ



#### 4.7. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИНГ УМУМБАШАРИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ



Миллий истиқлол мафқураси ҳар бир ватандошимизнинг оиласи, жамият, эл-юрт олдидagi бурч ва масъулиятини қай даражада адо этаётганини белгилайдиган маънавий мезондир. Бу — Ўзбекистонда истиқомат қиладиган ва ўз тақдирини шу муқаддас замин билан боғлаган ҳар бир кишининг «Ватан менга нима берди?» деб эмас, балки «Мен Ватаним равнақи учун нима қиляпман?» деган масъулият туйғуси билан яшаш демақдир.

#### 4.8. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг  
қуйидаги манфаатларини ифодалайди

Мамлакатнинг  
мустақиллиги,  
худудий яхлитлиги,  
сарҳадлар  
дахлсизлиги

Юртнинг тинчлиги,  
давлатнинг ҳарбий,  
иқтисодий, ғоявий,  
экологик, информацион  
таҳдидлардан  
муҳофаза этилиши

Мамлакатда  
фуқаролараро ва  
миллатлараро  
тотувлик, ижтимоий  
барқарорлик  
муҳитини таъминлаш


Ҳар бир оила ва  
бутун халқнинг  
фаровонлиги

Жамиятда қонуннинг устуворлиги, адолат, демократия,  
эркинлик, ўз-ўзини бошқариш тамойилларининг амал  
қилиши

#### 4.9. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ ТАМОЙИЛЛАРИ



#### 4.10. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНИНГ АСОСИЙ ҒОЯЛАРИ




**Озод Ватан** — ўз тақдирини ўзи мустақил ҳал этиш ҳуқуқини тўла рўёбга чиқара оладиган миллатнинг, халқнинг яшаш макони бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига, нуфузига ва мавқеига эга бўлган мамлакатдир.

**Обод Ватан** — фуқаролари эркин ва озод, яратувчанлик фаолияти билан банд бўлган, тўла ижтимоий-сиёсий, иқтисодий хавфсизликда яшаётган давлатдир.

**Эркин ва фаровон ҳаёт** — одамларнинг юқори даражадаги моддий ва маънавий неъматларга эркин тарзда, ўзларининг бор қобилиятлари ва имкониятлари эвазига эришишидир.

#### 4.11. ВАТАН РАВНАҚИ ҒОЯСИ ВА УНИНГ АСОСЛАРИ



## 4.12. ЮРТ ТИНЧЛИГИ ҒОЯСИ ВА УНИНГ МАЗМУНИ


Юрт тинчлиги — бебаҳо неъмат, улуғ саодатдир. Башарият ўз тараққиётининг барча босқичларида, аввало, тинчлик, тотувликка интилиб келган. Юрт тинчлиги — барқарор тараққиёт гаровидир.






#### 4.13. ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ҒОЯСИ ВА УНИНГ МАЗМУНИ

**Халқ фаровонлиги** — мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг олий мақсади — конституциямизда белгиланган халқимизга муносиб турмуш яратишдан иборат. Яъни ислохот — ислохот учун эмас, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши кераклигидир.




#### 4.14. КОМИЛ ИНСОН ҒОЯСИ ВА УНИНГ МАЗМУНИ

Комил инсон — ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган одамзодга хос юксак маънавий ва жисмоний барқарорликни мужассам этган, уни ҳамisha эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир.




## 4.15. ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК ҒОЯСИ

**Ижтимоий ҳамкорлик** — мураса фалсафаси бўлиб, хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди. Натижада жамиятда тинчлик ва тотувликнинг, барқарор тараққиётнинг мустаҳкам кафолати вужудга келади.



#### 4.16. МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ҒОЯСИ ВА УНИНГ МАЗМУНИ

**Миллатлараро тотувлик** — умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.





#### 4.17. ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯСИ ВА УНИНГ МАЗМУНИ

Диний бағрикенглик — хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда олижаноб, ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади.

##### *Диний бағрикенглик ғояси*





Таъкидлаш жоизки, юқоридаги вазифаларни бажариш жараёни юртимизда ўта мураккаб шароитда мустабид шўро тузуми барбод бўлган ва янгича ижтимоий муносабатлар қарор топаётган кескин бир вазиятда юз берди.

### 5.3. 1990 ЙИЛ 24 МАРТ КУНИДАГИ РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ КЕНГАШНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Ўта қалтис ва мураккаб бир даврда юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни асраб қолиш, Марказдан бўлаётган турли зарarli таъсирлардан халқимизни ҳимоя қилиш, ўз мустақил сиёсатимизни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида:

1990 йилнинг 24 март куни Республика Олий Кенгашининг биринчи сессиясида Президентлик бошқаруви жорий этилди

Юксак эътироф билан  
таъкидлаш лозимки:

*Ўшанда СССР ҳудудидаги республикалар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда мана шундай юксак лавозим жорий этилган.*

ШУ ТАРИҚА:

Президентимиз ташаббуси билан биз Ўзбекистонни мустақиллик йўлига бошлаган дастлабки қадамни қўйганлигимизни, айниқса бугун, мустақилликнинг 20 йиллиги арафасида эслаш ўринли.

#### 5.4. ТАРИХИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН 1990 ЙИЛ 24 МАРТ КУНИДАГИ СЕССИЯДА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР

„Бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим вазифаларни кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, аҳолининг кундалик эҳтиёжларига бевосита дахлдор долзарб масалаларни ҳал қилиш билан бир қаторда биз эски тузум даврида инсон ҳаётининг негизи ва мураккаб томонлари, миллий қадриятлар, тарихий анъаналар, умуминсоний маънавий бойликлар билан ҳисоблашмаслик жамиятимизга қанчадан-қанча зарар келтирганини унутмаслигимиз керак“ лигини ҳали собиқ Иттифоқ ҳукмронлиги даврида айтганлиги катта маънавий жасорат эди.

Бу борада мустақиллик-  
ка қадар қуйидаги  
вазифалар белгиланган

Миллий маданиятимиз ва халқ маънавий бойлиги ил-  
дизларига эътибор бериш.

Одамларнинг маънавий тарбиясини ўйлаб, тинчлик ва  
хайрли ишларни кўзлаб ҳаракат қилаётган ҳар бир ки-  
шини қўллаб-қувватлаш.

Маърифат ва маданиятнинг моддий-техник базасини  
мустаҳкамлаш.

Инсоннинг тўлақонли ҳаёти учун ниҳоятда зарур бўлган  
мактаблар, кутубхоналар, театр ва бошқа маданият ўчоқ-  
ларини қўпайтириш, уларнинг шароитини яхшилаш.

Олимлар ва ижодкор ходимларга эътиборни кучайтириш.  
Чунки маънавий бойликларни шулар яратади.

Ўсиб келаётган авлодга, унинг маънавий тарбиясига ни-  
ҳоятда катта эътибор бериш.



## 5.5. МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА

*Санъатда ошкораликни пеш қилиб телевизор, кино экранларида, матбуот воситаларида бўлмағур лавҳаларни акс эттириш, бемаънилик ва ҳаёсизликни тарғиб қилишлар, жамиятимизнинг инсонийлик ва ахлоқий ақидаларини поймол қиладиган тажовузкорлик кўринишларига қатъий равишда қарши туришимиз лозим.*


*Ислом Каримов*

Миллатимиз, халқимизнинг келажаги, унинг маънавий ҳаётини бойитиш ва ҳимоя этиш мақсадида айtilган юқоридаги сўзларини давлатимиз раҳбари Ислом Каримов она тилимизда ҳали мустақиллигимиздан 1 йилу 4 ой олдин айтганлиги маънавий жасорат эканлигини айтиш ва эслаш лозим.

Шунингдек, асар муаллифи:

„Биз собиқ тузумнинг мафқуравий қарашларини умуман инкор этишнинг ўзи ҳеч қандай бунёдкорлик дастурига эга бўлмаган сиёсий ва маданий экстремизм хавфини туғдириш эҳтимоли ҳақида... Шу билан бирга, тарихий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар, турмуш тарзига орқа-олдини ўйламасдан, ёппасига бетартиб қайтиш бошқа бир кескинлик, дейлик бугунги давр ҳаётини қабул қилмаслик, жамиятни янгилаш заруратини инкор этиш каби номақбул ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини“ унутмасликка ундаган эди.

## 5.6. МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ ҲАҚИДА



## 5.7. ИНСОН МАЪНАВИЯТИНИНГ ЮКСАЛИШИДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ХУСУСИДА

*Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик — ТИЛ орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетақрор жозибаси билан сингади. Они тили — миллатнинг руҳидир.*

*Ислом Каримов*

Абдулла Авлоний

„Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсататургон ойнаи ҳаёти ТИЛ ва АДАБИЁТдур. Миллий тилни йўқотмаслик миллатнинг руҳини йўқотмасликдур“.

Мустақиллик арафасида ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласида кескин ва мурасасиз баҳс ва тортишувлар бўлиб ўтганини бугун ёддан чиқармаслигимиз лозим.

Мустақиллик арафасида мана шундай ўта қалтис ва мураккаб вазиятда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ўта вазмин сиёсати, ҳар томонлама ўйлаб, мулоҳаза қилиб йўл тутгани Ватанимиз тарихида том маънодаги буюк воқеа бўлганлигини айтишнинг ўзи кифоя қилмайди.

## 5.8. „ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА“ГИ ҚОНУННИНГ БАРЧА МИЛЛАТ ВА ЭЛАТЛАРНИНГ ТИЛЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШИ

1989 йил 21 октябрда эълон қилинган ушбу  
**ҚОНУНДА:**

Давлат тили билан бирга юртимиздаги барча миллат ва  
элатларнинг тилларини ривожлантириш

Барча тилларни ҳимоя этиш

Тили, дини ва миллатидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро-  
ронинг ўз она тилида таълим, ахборот, керакли маълумот  
олиш

каби ҳуқуқларини кафолатлаш масалалари аниқ белгилаб  
қўйилган

Бу ҚОНУН

собиқ Иттифоқ пайтида Иттифоқдош республикалар ичида ҳали  
мустақиллик арафасида давлатимиз раҳбарининг маънавий жасора-  
ти боис қабул қилинган биринчи қонунлардан эди.

*Мустиқиллик йилларида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни  
ва таъсирини кучайтириш, уни том маънодаги миллий қадриятга  
айлантириш йўлида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган улкан  
ишлар амалга оширилди... Бундан йигирма йил олдин оддийгина ариза  
ёки маълумотномани ҳам ўзбек тилида ёзишнинг имкони йўқ эди.  
Бугун бу ҳақда гапирсак кўпчилик ёшларнинг ишонини қийин.*

**Ислом Каримов**

## 5.9. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТИЛ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ҲАҚИДА

БУЛАР:

Расмий мулоқотларда адабий тил қоидаларига риоя қилиш.

Тил ва алифбо масаласи кун тартибида доимо долзарб вазифа бўлиб келаётганлиги.

Халқимизнинг кўп миллатли эканлиги инобатга олиниб, айрим миллий гуруҳлар кирилл ёзувини ишлатишини назарда тутиб, Қонундаги бу имлодан фойдаланиш учун ҳам имконият яратилди.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилишга катта эътибор қаратилди.

*Алишер Навоийнинг „Тилга эътиборсиз — элга эътиборсиз“ деган сўзлари асарда тил маданияти борасида дастуруламал сифатида фойдаланилади.*

## 5.10. ВАТАНГА МУҲАББАТ ТУЙҒУСИ – МАЪНАВИЯТ БЕЛГИСИ

Тарих ҳақиқати шуни кўрсатадики, томирида миллий гурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин.




### ШУНИ ЭСДА ТУТИШ КЕРАКЛИГИГА ДАЪВАТ:

Ҳаддан ташқари бўрттириб юборилган маҳаллий ватанпарварлик миллатнинг, халқнинг жипслашувига ҳалақит беради.

Асар муаллифининг:

„Биз Ватан туйғусини мана шундай яхлит ҳолда, яъни дунёда ягона ўзбек миллати бор, хоразмлик, фарғоналик, сурхондарёлик ўртасида ҳеч қандай миллий фарқ йўқ, уларнинг барчаси ўзбек халқининг фарзанди деб англашимиз, ёш авлодимизни айнан шу руҳда тарбиялашимиз зарур“лигига даъват этган-лигини сезмаслик, кўрмаслик мумкин эмас.

**5.11. АҶДОДЛАРИМИЗНИНГ МАҲАЛЛА, ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАР, БОҒ-ХИЁБОНЛАРГА НОМ ТАНЛАШЛАРИ ХУСУСИДА**



## 5.12. ДИН ВА ДИНИЙ ЭЪТИҚОД ҲАҚИДА

Тоталитар – режали тузумда дин ва диний эътиқод бутунлай рад этиладиган ҳаёт қандай ғайриқонуний кўринишга эга эканини биз кечаги тарихимиз миқсолида яхши биламиз.

### БУНДАЙ МАФКУРАНИНГ ХАТАРИ:

*У неча асрлар давомида дин негизда шакланган, халқ ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб кетган қадриятлар:*

Бу ёзма ёки оғзаки, моддий ёки маънавий мерос бўладими

Ахлоқ ёки анъаналар бўладими

Моддий ва маънавий мерос бўладими

Буларнинг барчасини рад этади


### НАТИЖАДА:

Одамзод ўзининг ички дунёси, ҳис-туйғу ва қарашлари, таяниб-суяниб турадиган пойдеворидан маҳрум бўлиб, „шўро доҳийлари“ айтганидек, улкан давлат машинасининг „винтчаси“га айланади. Охиросқибатда бундай одам ота-онасини ҳам, ўз миллати, халқи ва Ватанини ҳам танимайдиган аянчли ҳолатга тушиб қолади.

А  
С  
А  
Р  
Д  
А



### 5.13. МУСТАБИД, МАШЪУМ ЙИЛЛАР КУЛФАТИ



## 5.14. УМУМБАШАРИЙ ТАРАҚИЁТ ЮТУҚЛАРИНИ ЧУҚУР ВА ПУХТА ЭГАЛЛАШГА ДАЪВАТ

*„Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир, замона  
илми ва фанидан бебахра миллат бошқаларга ғоймол бўлур“.*

*Маҳмудхўжа Бехбудий*


Асар муаллифи буюк маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг юқоридаги ҳаққоний фикрларига мурожаат этиб, бу фикрлар билан Туркистон аҳлининг онгу шуурини уйғотишга даъват этгани бежиз эмаслигини ... ҳамда бу сўзларнинг қанчалик ҳақиқат эканини бугунги юксак тафаккур ва технологиялар замони ҳам исботлаётганлигини юксак эътироф билан қайд этади.

Асарда яна:


Агарки ҳозирги вақтда дунёвий илм-фан ва технологияларни чуқур ўзлаштирмасак, фақат тарихимиз, олис аجدодларимизнинг кашфиётлари билан мақтаниб, уларга маҳлиё бўлиб яшайдиган бўлсак, ана шу ноёб меросни асраб-авайлаб, янада бойитиб, унга ўз ҳиссамизни қўшмасак, биз жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллашимиз қийин бўлади.

Бу масалага ёндашувда асар муаллифи Ҳадиси шарифга мурожаат этади: **„БУ ДУНЁНИ ДЕБ, У ДУНЁНИ, ОХИРАТНИ ДЕБ, БУ ДУНЁНИ УНУТМАНГ“** ва ушбу даъват орқали барчамизни уни эсдан чиқармасликка ундайди. Ҳамда бизнинг маънавий ҳаётимиз ана шу икки асос, икки таянч нуқтанинг устида маҳкам туриши лозимлигига даъват этади.

## 5.15. ДИНИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ ОМИЛЛАРИ



## 5.16. ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАРИМИЗНИНГ ЎРНИ ҲАҚИДА



Бу борада маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб кетган ҳашар одати мустақиллик йилларида янгича маъно-мазмунга эга бўлиб, умуммиллий анъана тусини олди.

Ҳар йили Наврӯз, Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказиладиган умумхалқ ҳашарлари бунинг тасдиғидир.

## 5.17. ИНСОН МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ТАРИХИЙ ХОТИРАНИНГ ЎРНИ

*Тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам бўлади.*

*Ислом Каримов*

**Айнан мустақиллик шарофати ва давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуслари боис**


Мустамлакачилик ва совет давридаги оммавий қатағонлар пайтида зулм ва зўравонлик қурбони бўлган, истиқлол йўлида жон фидо этган аждодларимизнинг ҳурмати ва хотирасини жойига қўйиш борасида амалий ишлар қилинди.

Уларнинг эл-юрт озодлиги йўлидаги ишлари, қолдирган меросини излаш ва ўрганиш айнан ана шундай маънавий негизда йўлга қўйилади.

МАЪЛУМОТ УЧУН

*1937 — 1953 йилларда собиқ СССР ҳудудида мудҳиш оммавий-сиёсий қатағонлар натижасида биргина Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланган.*

## 5.18. ТАРИХИЙ АДОЛАТНИ ТИКЛАШ ХУСУСИДАГИ ВАЗИФАЛАР



*2000 йили пойтахтимизнинг Юнусобод туманида қатағон йилларида халқимизнинг минглаб асл фарзандлари қатл этилиб, ном-нишонсиз кўмиб ташланган, неча йиллар давомида қаровсиз қолиб келган БЎЗСУВ канали соҳилидаги Алвастикўприк деб ном олган жарлик ўрнида ШАҲИДЛАР хотираси хиёбони ва кейинчалик шу номда музей ва жамғарма ташкил қилинди. 31 август юртимизда қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланади.*

*9 май кунини мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлашга қарор қилинди.*

## 5.17. ИНСОН МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ТАРИХИЙ ХОТИРАНИНГ ЎРНИ

*Тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам бўлади.*

*Ислом Каримов*

**Айнан мустақиллик шарофати ва давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуслари боис**


Мустамлакачилик ва совет давридаги оммавий қатағонлар пайтида зулм ва зўравонлик қурбони бўлган, истиқлол йўлида жон фидо этган аждодларимизнинг ҳурмати ва хотирасини жойига қўйиш борасида амалий ишлар қилинди.

Уларнинг эл-юрт озодлиги йўлидаги ишлари, қолдирган меросини излаш ва ўрганиш айнан ана шундай маънавий негизда йўлга қўйилади.

МАЪЛУМОТ УЧУН

*1937 — 1953 йилларда собиқ СССР ҳудудида мудҳиш оммавий-сиёсий қатағонлар натижасида биргина Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланган.*

## 5.18. ТАРИХИЙ АДОЛАТНИ ТИКЛАШ ХУСУСИДАГИ ВАЗИФАЛАР



*2000 йили пойтахтимизнинг Юнусобод туманида қатағон йилларида халқимизнинг минглаб асл фарзандлари қатл этилиб, ном-нишонсиз кўмиб ташланган, неча йиллар давомида қаровсиз қолиб келган БЎЗСУВ канали соҳилидаги Алвастикўприк деб ном олган жарлик ўрнида ШАҲИДЛАР хотираси хиёбони ва кейинчалик шу номда музей ва жамғарма ташкил қилинди. 31 август юртимизда қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланади.*

*9 май кунини мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлашга қарор қилинди.*



## 5.19. ЖАМИЯТ ТАФАККУРИНИ ЯНГИЛАШГА ОИД ФИКРЛАР МАЖМУИ

БУЛАР:

Жамият тафаккурини бутунлай янгилаш бир-икки йиллик иш эмас, узоқ ва узлуксиз давом этадиган жараён. Қолаверса, бу йўлда тинимсиз изланиш ва меҳнат қилиш, ҳали-бери учраб турган эскича фикрлаш асоратларини енгиб ўтиш осон эмаслиги.

Айни вақтда биз жамиятни ва жамият тафаккурини янгилашнинг инқилобий усулларига бу жараённи сунъий равишда четдан туриб, зўравонлик йўли билан тезлаштиришга қаратилган ҳар қандай уринишларга мутлақо қаршимиз.

Биз барча соҳаларда, жумладан, маънавий соҳада ҳам тадрижий-эволюцион ислоҳотлар йўли тарафдоримиз ва бунга қатъий амал қиламиз.

*Ҳар қайси жамиятнинг демократик нуқтаи назардан янгиланиши ва юксалиши шу жамиятнинг, шу давлатнинг тараққиёти маҳсули эканини ҳаммамиз чуқур англаб олишимиз зарур.*

*Ислом Каримов*

## 6-мавзу. ИСЛОҲОТЛАР ВА УЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ МЕЗОНИ

### 6.1. МУСТАҚИЛЛИК ВА ИСЛОҲОТЛАР МУҚАДДИМАСИДА

Мустақиллигимизни қўлга киритиб, янги тараққиёт йўлига қадам қўйганимиздан сўнг халқимизнинг хоҳиш-иродаси, асрий орзуларига таянган ҳолда, шўро давридан мерос бўлиб қолган маъмурий буйруқбозлик тизимини тубдан ислоҳ қилиш.

УНИНГ ЎРНИДА:

Моҳият эътибори билан бутунлай янги – эркин бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этишга азму қарор қилдик.

БУ БУЮК МАҚСАДГА ЭРИШИШ УЧУН:

Қандай стратегик йўл, ислоҳотларнинг қандай шакл ва усули маъқул экани ҳақида олимлар ва мутахассислар, кенг жамоатчилик, эл-юртимиз вакиллари билан биргаликда кўп ўйладик, атрофлича маслаҳатлашдик. Бу борада тараққий топган давлатлар мисолида ўзини оқлаган илғор тажрибалар чуқур ўрганилди.

ЭНГ МУҲИМИ

1 Халқимизнинг ҳаёт тарзи, миллий анъана ва қадриятлари, аҳолининг руҳи ва кайфияти ҳар томонлама ҳисобга олинди.

2 Одамларга ислоҳотларнинг маъно-моҳияти аниқ-равшан тушунтириб берилди. Шу асосда жамият аъзоларида ишонч уйғотиш, уларни бунёдкорлик сари сафарбар этишга муҳим аҳамият берилди.

3 Кенг миқёсдаги ўрганиш ва ҳар томонлама изланишлар натижасида бугунги кунда дунёда „Ўзбек модели“ сифатида тан олинган тараққиёт модели ишлаб чиқилди.

## 6. 2. „ЎЗ КУЧИГА ТАЯНИБ ИШ КЎРИШ“ ТАМОЙИЛИ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ  
ЙИЛЛАРИДА:

Ёш давлатимиз мураккаб синов кунларини бошидан кечираётган бир пайтда, қанчалик қийин бўлмасин, биз фақат ўз куч ва имкониятларимизга таяниб ва суяниб иш тутишга мажбур эдик.

Ана шундай вазиятда кўплаб ўткир ва кескин саволларга жавоб излаш ва топишга тўғри келди.

Бу саволлар масалан,

Қайси давлат бизга қанча ва қандай шартлар билан сармоя ва қарз беради?

Қарз берган давлатларнинг сиёсий шартлари бўлмайдими?

Олган қарз — кредитларимиз бўйнимизда оғир юк бўлиб қолиб кетмайдими?

*Мана орадан неча йиллар ўтганидан кейин ўзига хос „миллий тараққиёт йўлини танлаган дастлабки даврни кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, бизнинг ислохотлар сиёсатимизда маънавий мезонлар доимо ҳал қилувчи омил бўлиб келаётганлиги“ янада яққол аён бўлмоқда.*

*Ислом Каримов*

### 6.3. МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ БИЛАН ИСЛОҲОТЛАР ҲОЯСИДА ЭЪТИБОРГА ОЛИНГАН ЖИҲАТЛАР

БУЛАР:


Ўша даврда четдаги „маслаҳатчи“ларнинг „донишманд кенгашлари“дан эмас, балки халқимизнинг хоҳиш-иродаси, юртимиздаги ҳақиқий вазиятдан келиб чиққан ҳолда оғир-вазминлик, ҳар томонлама чуқур ўйлаб сиёсат олиб борилганлиги.

Халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти, унинг маънавий оламига зарар етказишга йўл қўймаслик.

Ижтимоий адолат тамойилларининг бузилишига, жумладан, аҳолининг бир қисми ўта бойиб, аксарияти ўта қашшоқликка юз тутишига йўл қўймаслик масаласи.

Бугунга келиб, бундан йигирма йил илгари айтилган, эътиборга олинган юқоридаги масалалар ечими ўз натижасини берди.

## 6.4. ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛИ БЎЛИШИНING МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ



## 6.5. „ШОК ТЕРАПИЯСИ“ ДЕБ НОМ ОЛГАН ИНҚИЛОБИЙ САКРАШ ЙЎЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ОҚИБАТЛАРИ ҲАҚИДА

„Шок терапияси“ нинг оқибатлари

Энг қийин вазиятларда аксарият аҳолимиз қийин аҳволга тушиб қолган эди. Энг ачинарлиси, собиқ Иттифоқдан кам-бағаллик мерос бўлиб қолган эди.

Стихияли тарзда юз берадиган шиддатли ўзгаришлар тўфонда одамларнинг моддий турмуш шароити кескин ёмонлашганди. Сабаб 80-йилларнинг сўнгида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ўта мураккаб эди. Бу жамият ҳаётида ижтимоий зўриқишни янада кучайтиришга олиб келиши мумкин эди.

Аҳолимиз ҳаёт тарзи, аҳолининг қадриятлари, миллий-маънавий қиёфаси бутунлай издан чиқиб кетиши ҳеч гап эмас эди.

Шунинг учун ҳам биз, четдан ҳар қанча таклиф ва тавсиялар, ҳатто талаблар, бўлмасин, ҳеч қачон инқилобий сакрашлар, йўлидан бормадик. Юртимиздаги бугунги тинч ва осойишта, бунёдкор ҳаёт, барқарор тараққиёт бундай ёндашувнинг нақадар тўғри бўлганини ва узоқни кўзлаганини кўплаб соҳалардаги ижобий натижалар мисолида тасдиқлаб бермоқда.

БУ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ЎША ҚИЙИН ВА МУРАККАБ ВАЗИЯТЛАРДА ҲАМ МУСТАҲКАМ ПОЗИЦИЯДА ТУРГАНЛИГИ НАТИЖАСИДИР.

## 6.6. ДУНЁВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ИККИ ҚАНОТИ

Ўзбекистон ислохотлар давомида наинки моддий фаровонликка, айти пайтда маънавий юксалишга ҳам эришишни ўзимиз учун асосий мезон деб билганимиз тараққиётимизда бир томонга оғиб кетмаслик, жамият ҳаётида сув билан ҳаводек зарур бўлган мувозанат ва барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Чунки

Асар муаллифи

„Бозор иқтисодиёти ҳамма нарсани жойига қўяди, деган енгил-елпи қарашга итоат қилиб, фақат моддий бойлик ортидан қувиш – халқимизнинг азалий орзу-интилишларига ҳам, инсонийлик билан йўғрилган миллий қадриятларимиз моҳиятига тўғри келмаслигини“ алоҳида қайд этадиларки,

Шу боис

„Ислохотларни амалга оширишда маънавият ва иқтисодиёт бир-бирини инкор этмайди, аксинча, бир-бирини қувватлаб ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради“, деган қоида мустақиллик йилларида ўзимиз учун дастуруламал сифатида белгилаб олинди.

## 6.7. МАЪНАВИЙ МЕЗОНЛАР БИЛАН БОШҚАРИЛАДИГАН ДЕМОКРАТИЯ ҲАҚИДА

*Айниқса, ўтиш даврида давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги ролини жорий этишнинг асосий шартларидан бири тариқасида қатъий белгилаб олганимиз иқтисодиётнинг универсал талаб ва мезонларини миллий маънавиятимиз хусусияти билан уйғунлаштиришда ғоят муҳим аҳамият касб этди.*

*Ислом Каримов*

Мустабид тузум даврида:

Иқтисодиёт бир ёқлама ривожланган маъмурий буйруқбозлик усулига асосланган бўлиб, халқнинг маънавий қарашлари ва интилишларидан йироқ эди.

Ана шундай МУШКУЛ вазиятда:

Давлатнинг ислохотчилик ролини тан олмаслик, бу масалани ўзибўларчилик ҳолатига ташлаб қўйиш – эски тизимдан қолган ночор ва хаста иқтисодиёт ўз-ўзидан эркин бозор иқтисодиётига, совет жамияти эса демократик жамиятга айланиб қолади, деб хомхаёл қилиш билан баробар эди.

*Демократия авваламбор маънавий мезонлар асосида бошқариладиган, кучли ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти демакдир. Айтиш мумкинки, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти демократиянинг ўзаро узвий боғлиқ бўлган икки жиҳати, икки қанотидир.*

*Ислом Каримов*

Асардаги яна бир муҳим янгилик: демократияни таърифлашдаги янги ёндашув. Бу:



*Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим.*

*Ислоҳ Каримов.*

### **УЧИНЧИ БОБ**

# **МАЪНАВИЯТГА ТАҲДИД – ЎЗЛИГИМИЗ ВА КЕЛАЖАГИМИЗГА ТАҲДИД**

## 7-мавзу. ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ ВА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР

### 7.1. ГЛОБАЛЛАШУВ ФЕНОМЕНИ ҲАҚИДА

Давлат ва сиёсат арбоблари, файласуфлар ва жамият-шунос олимлар, шарҳловчи ва журналистлар бугун тез суръатлар билан ўзгариб бораётган даврни турлича таъриф-ламоқдалар:

Бу давр — юксак технологиялар замони

Бу давр — тафаккур асри

Бу давр — ялпи ахборотлашув даври

1 Юқоридаги фикрларнинг барчасида ҳам маълум маънода ҳақиқат, рационал мағиз бор. Чунки уларнинг ҳар бири ўзида бугунги серқирра ва ранг-баранг ҳаётнинг қайсидир белги - аломатини акс эттириши табиий. Аммо кўпчиликнинг онгида бу давр глобаллашув даври тариқасида таассурот уйғотмоқда, нега деганда, ҳозирги пайтда ер юзининг қайси чеккасида қандай бир воқеа юз бермасин, одамзод бу ҳақда дунёнинг бошқа чеккасида зудлик билан хабар топиши ҳеч кимга сир эмас.

**Ислом Каримов**

2 Глобаллашув феномени ҳақида гапирганда, бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш жоиз.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзларининг тасдиғини қуйидаги расмий таърифларда кўриш мумкин:

*Биринчидан*, глобаллашув ғоялар, капитал, техника ва товарларнинг бутун дунё бўйлаб оқиши жадаллашиб ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётган мураккаб жараён сифатида баҳоланган.

*Иккинчидан*, глобаллашув айрим жамиятлардаги турли халқларни ниҳоятда яқинлаштирган очиқлик туфайли юзга келган туб ўзгаришлар билан боғлиқ.

*Учинчидан*, глобаллашув борган сари кучайиб бораётган очиқлик ва жадаллик натижаси сифатида бутун ер юзида ҳаёт даражасининг юксалиб боришига ва қашшоқлик даражасининг анча пасайишига ёрдам берувчи шарт-шароит деб қаралади.

*Тўртинчидан*, глобаллашув интеграциянинг ишлаб чиқариш самарадорлигини рағбатлантириш, имкониятларни кенгайтириш ва иқтисодиётни ўстириш эвазига қўшимча иш жойлари яратишга имкон бериб улгурган ва бунда давом этадиган янги шакли сифатида қаралмоқда.

*Бешинчидан*, глобаллашув ахборот соҳасидаги инқилоб билан чамбарчас боғлиқ. Бу инқилоб эса, ўз навбатида, янги жамиятта ўтишнинг шарт-шароити ҳисобланади. Яъни жаҳон цивилизацияси индустриал ва постиндустриал жамиятдан ахборотта асосланган жамиятга ўтиш принципига борган сари кўпроқ амал қилмоқда.

*Олтинчидан*, глобаллашув турли маданиятлар ва қадриятларнинг борган сари кучайиб бораётган ўзаро таъсири сифатида демократик жамиятлар қуриш, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг кафолатларини шакллантириш принципида ифодаланди.

*Еттинчидан*, глобаллашув айрим ишчилар, оилалар ва элатлар учун яшаш жойини ўзгартириш ва молиявий ноаниқлик билан боғлиқ хавф-хатарнинг ортишида намоён бўладиган муайян таҳдидларга ҳам эга.

3 Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби:

Бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ кўшнилари, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан ҳамбарчас боғланиб бораётгани, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас.

4 **ГЛОБАЛЛАШУВ — БУ АВВАЛО ҲАЁТ** суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир.

*Ислом Каримов*

## 7. 2. ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ИЖОБИЙ ТОМОНЛАРИ

БУЛАР:

Давлатлар ва ҳалқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши.

Хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, иш кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши.

Кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши.

Замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши.

Цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониётларининг ортиши.

### 7. 3. ЭЗГУ (БУНЁДКОР) ҒОЯ ВА ТАЪЛИМОТЛАР ҲАМДА ЁВУЗ ВА ЗАРАРЛИ ҒОЯЛАР ҲАҚИДА

*Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тиғиз, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётидан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас.*

*Ислом Каримов*

#### 7. 3<sup>а</sup>. ЭЗГУ (БУНЁДКОР) ҒОЯЛАР




Ушбу ғоялар Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади. Жамият ва инсонни эзгуликка ундайди.

## 7. 4. ЗАРАРЛИ (ВАЙРОНКОР) ҒОЯЛАР

*Глобаллашув жараёнларининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишининг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар.*

*Ислом Каримов*

### ЗАРАРЛИ (Вайронкор) ҒОЯЛАР:



Ушбу ғоялар жамият, халқ ва давлатларнинг инқирозига сабаб бўлади, умуминсоний манфаатларга раҳна солади.

Асар муаллифи фуқароларимиз, айниқса ёшларни вайронкор ғоялар хавфини англаш, ўзларида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш учун зарур билимларни эгаллашга ундайди.

## 7.5. МАФКУРАВИЙ ТАЗЙИҚ ҲАҚИДА

*Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга.*

*Ислом Каримов*

Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки:

Агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин.

МАНА ШУНДАЙ ВАЗИЯТДА ОДАМ:

Ўз мустақил фикрига

Замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга

Соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага

эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амри маҳол.



## 7.6. ЁШ АВЛОДИМИЗ МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИ АСРАШ ҚАЙҒУСИ

1 *Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.*

*Ислом Каримов*

2 *Бинобарин, биз давлатимиз келажagini ўз қобилигимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки:*

Умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз.

Биз истиқболи тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланамиз.

Давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, фикрлар ранг-баранглигини ўз ҳаёти-мизга янада кенгроқ жорий қилишда кўрамиз.

Биз бугун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз.

3 **Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарурлигига ундайди.**

4 **„Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин“лигини алоҳида таъкидлайди.**

5 **„Ҳаммамиз яхши биламизки, ҳар қайси давлатнинг чегараларини дахлсиз сақлашда ҳарбий қудрат, қуроли кучлар сув билан ҳаводек зарур. Аммо халқимиз авваламбор, ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун биз нималарга таяниб-суяниб иш олиб боришимиз керак, деган савол бугун барчамизни ўйлантириши табиий“ эканлиги ва .... тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доим сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарурлигига ундайди.**

## 7.6. ЁШ АВЛОДИМИЗ МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИ АСРАШ ҚАЙҒУСИ

1 *Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмақда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимишга қатъий мақсад қилиб қўйганмиш ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиш.*

*Ислом Каримов*

2 *Бинобарин, биз давлатимиз келажagini ўз қобигимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки:*

→ Умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиш.

→ Биз истиқболи тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланамиз.

→ Давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, фикрлар ранг-баранглигини ўз ҳаёти-мишга янада кенгроқ жорий қилишда кўрамиш.

→ Биз бугун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, ўзаро манфаатли ҳам-корлик қилиш тарафдоримиз.

3 *Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарурлигига ундайди.*

4 „Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда *инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар* ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин“лигини алоҳида таъкидлайди.

5 „Ҳаммамиз яхши биламизки, ҳар қайси давлатнинг чегараларини дахлсиз сақлашда ҳарбий қудрат, қуроли кучлар сув билан ҳаводек зарур. Аммо халқимиз авваламбор, *ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун биз нималарга таяниб-суяниб иш олиб боришимиз керак*, деган савол бугун барчамизни ўйлантириши табиий“ эканлиги ва .... *тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доим сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарурлигига ундайди.*

## 7.6. ЁШ АВЛОДИМИЗ МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИ АСРАШ ҚАЙҒУСИ

1 *Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.*

*Ислом Каримов*

2 *Бинобарин, биз давлатимиз келажagini ўз қобигимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки:*

→ Умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз.

→ Биз истиқболи тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланамиз.

→ Давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, фикрлар ранг-баранглигини ўз ҳаётимизга янада кенгроқ жорий қилишда кўрамиз.

→ Биз бугун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз.

3 *Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарурлигига ундайди.*

4 *„Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин“лигини алоҳида таъкидлайди.*

5 *„Ҳаммамиз яхши биламизки, ҳар қайси давлатнинг чегараларини дахлсиз сақлашда ҳарбий қудрат, қуроли кучлар сув билан ҳаводек зарур. Аммо халқимиз авваламбор, ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун биз нималарга таяниб-суяниб иш олиб боришимиз керак, деган савол бугун барчамизни ўйлантириши табиий“ эканлиги ва .... тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доим сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарурлигига ундайди.*

## 8-мавзу. МУНТАЗАМ ВА УЗЛУКСИЗ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ҲАҚИДА

### 8.1. ЁШЛАР ҚАЛБИ ВА ОНГИДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАСИ

Тобора кучайиб бораётган таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин.

Асар муаллифи яна таъкидлайди:

Барчамизга аён бўлиши керакки, *қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади.* Ва аксинча — қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақлидрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади.

Асардаги яна бир муҳим даъват:

Айниқса, бугунги кунда халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун „Эркинлик ва демократияни олға силжитиш“ ниқоби остида амалга ошираётган, узоқни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш катта аҳамият касб этади.

## 8.2. „ОММАВИЙ МАДАНИЯТ“ ХАТАРИ ҲАҚИДА

*„Оммавий маданият“ деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўтаришга қаратилган хатарли таҳдидлар тушунилади.*

*Ислом Каримов*

### АСАР МУАЛЛИФИ:

Биз юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилгандан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган „оммавий маданият“ ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик кераклигига ундайди.

Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан эскилик сарқити деб қараш билан, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканлигини англаб олмақда.



### 8.3. ШАРҚОНА АҲЛОҚ КОДЕКСИ ЁХУД ХАЛҚИМИЗНИ УЛУҒЛАЙДИГАН БУЮК ФАЗИЛАТЛАР

БУЛАР:

Ор-номус, уят, андиша, шарму ҳаё, ибo ва иффат  
каби юксак туйғу ва тушунчалар

Миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳти-  
ром туйғуси

Руҳан поклик, бақувват ирода, бутун иймон, уйғоқ  
виждон

Маънавий баркамолликка интилиш

Самимийлик ва меҳнаткашлик

Асар муаллифи шу ўринда ажод-  
лар ижодига мурожаат этади:

**Олдиға қўйганни емак – ҳайвон иши,  
Оғзига келганни демак – нодон иши.**

*Алишер Навоий*

#### 8.4. ФИКРГА ҚАРШИ ФИКР, ҒОЯГА ҚАРШИ ҒОЯ

Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда,

Барчамизга аёнки,

*Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда.*

*Ислом Каримов*

Шу боис асар муаллифи:

**Биз фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат**

**Ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш**

**Аввало, ёшларимизнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришга ундайди.**

## 8.5. ЭСКИ ЗАМОНЛАРДАН ҚОЛИБ КЕЛАЁТГАН НОМАЪҚУЛ ОДАТЛАР



## 3 Сотқинлик – маънавиятимизга таҳдид

Шахсан ўзим бу иллатдан жирканаман. Шу иллатга чалинган одамни кўрарга кўзим йўқ. Бу — сотқинликдир. Мен ҳар қандай ёвузликни сотқинликдан кўраман. Эзгулик ва ҳақиқатга садоқати бўлмаган, уларга ишонмаган одам кўрқинчлидир. Табиатида сотқинлик хусусияти бўлган одам раҳбарлик курсисига ўтириб қолса борми, у ерда осойишталик йўқолди, деяверинг. Иккита одамнинг, иккита мамлакатнинг ўртасидаги урушни ҳам айнан шундай одамлар бошлаб беради.

Шу боис АСАРДА:

„Бундай одамлардан огоҳ бўлишимизга, уларга ёнимизда ўрин бўлмаслиги лозимлигига... Агар теварак-атрофимиздаги бирорта кишида шундай аломатлар сезилаётган бўлса, уларни дарҳол тарбиямизга олиб, тўғри йўлга бошлашимиз кераклигига“ даъват этилади.

Шу муносабат билан тарихда кўп марта ўз тасдиғини топган, мен ҳам ўз тажрибамда синалган ҳаётий бир ҳақиқатни яна бир бор такрорлашни зарур, деб ҳисоблайман:

Агар биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким, ҳеч қачон енга олмайди.

## 8.6. ИНСОН ИРОДАСИ ҲАҚИДА

*Ирода — бу аслида мустақкам ишонч демакдир. Иродаси бақувват одам ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам ўз зиммасига олишдан қўрқмайди. Шунинг учун ҳам юксак иродали инсонга суяниш мумкин. Бундай кишилар бошингизга бирор-бир ташвиш ёки муаммо тушгудек бўлса лоқайд қараб туролмайди. Ҳеч иккиланмасдан, ёнингизда туриб, қўлидан келганча ёрдам беришга, қийинчиликларни сиз билан биргаликда енгишга ҳаракат қилади.*

*Ислоҳ Каримов*

## 8.7. ЛОҚАЙД ВА БЕПАРВО ОДАМ ҲАҚИДА

1 Бировнинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган одамдан қўрқиш керак. **Чунки уларда на имон, на ирода бўлади.** Улар ҳатто ўз халқи ва Ватани тақдирига ҳам бамисоли бегона одамдек қарайди. Азалдан маълумки, **бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир.** Чунки душманнинг кимлиги, асл қиёфаси сиз учун олдиндан маълум бўлади. Бироқ **лоқайд ва бепарво одамнинг қиёфасини бирданига билиб бўлмайди.** Шунинг учун у ичингизда юриб, сизга қарши тиш қайрайдиган душманлар учун имконият яратади.

2 Асарда лоқайд ва бепарво одам борасида машҳур файласуфлардан бирига мурожаат қилинади.

*„Душманлардан қўрқма — нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма — нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ — улар сени ўлдирмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзиде хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади“.*

Шу боис АСАРДА:

Ёшларни бардошли этиб тарбиялашдаги бурч ва вазифалар қўйилди. Булар:

Хар бир инсон ҳаётида гоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ана шундай фикрларни униб-ўсиб келаётган ёшларнинг онгига сингдириш, уларни ҳаёт синовларига бардошли этиб тайёрлаш бизнинг ота-она, устоз-мураббий, раҳбар-раҳнамо сифатидаги, шу муқаддас юрт фуқароси сифатидаги муқаддас бурчимиздир.

*Бу борадаги энг долзарб вазифамиз — юқорида зикр этилган барча жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги қирраларини мукаммал очиб бериш, ўқувчиларимиз, талабаларимизга, кенг жамоатчиликка содда, лўнда қилиб тушунтириб бориш ва уларни бугунги замон талабларига жавоб берадиган жамият қурилишининг фаол бунёдкорларига айлантиришдан иборат.*

## 8.8. ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҲАР БИР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА МАХСУС АДАБИЁТЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

АСАР МУАЛЛИФИ:

„Авваламбор тараққиётимизнинг ҳар бир йўналиши — жамиятимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий муносабатларнинг ривожига ҳақида махсус адабиётлар яратиш тизимини янада такомиллаштириш зарурлиги“га ундайди.

„Албатта, бу масала бўйича ижтимоий фанлар соҳасида маълум ишлар қилинмоқда, аммо ҳолисона айтиладиган бўлса, бу борада чоп этилган кўпчилик дарсликлар, ўқув қўлланмалари, оммабоп адабиётларнинг ҳам, аксарият соҳа мутахассисларининг ҳам савияси талаб даражасида эмаслигини қайд этишга мажбурмиз. Бундай нохуш ҳолатларга барҳам бериш вақти келган“ лигини алоҳида таъкидлайди.

„Юртимизда эркин, адолатли ва фаровон ҳаёт қуриш жараёнида ижтимоий-сиёсий муносабатлар, одамларнинг онги ва тафаккури ҳам ўзига хос, шу билан бирга мутлақо янгича маъно касб этиб бормоқда. Хусусан, шахс ва давлат, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар янгича мазмун ва шакл топиб, янги хусусиятлар, янги тамойиллар асосида такомиллашиб бораётганини сезиш, англаш қийин эмас“ лигини кўрсатиб берган.

## 8.9. ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ҲАҚИДА

Ўқув қўлланмамизнинг 8.8. бандида белгиланган талаблардан келиб чиқиб, асарда қуйидаги вазифалар белгиланади:

Бинобарин, буларнинг барчаси янгича қадриятлар ва демократик принциплар моҳиятига, ўз турмуш ва тафаккур тарзимизга мос, биз барпо этишга интилаётган эркин фуқаролик жамияти талабларига жавоб берадиган муносабатлар сифатида ижтимоий фанларнинг асосий тадқиқот мавзуларига айланиши даркор.

Бу борадаги энг муҳим вазифа:

1 Шундан иборатки, ҳар қайси фуқаро, ҳар қайси инсон жамият тараққиёти ва уни янгилашга, маънавий ҳаётимизни турли таҳдид ва хуружлардан ҳимоя қилиш масаласига бўлган ўз бурчи ва масъулиятини айнан ана шу асосда аниқлаб олиши зарур.

2 Бу масала ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, шу тамойилларга таянган жамиятнинг ўзига хос ижтимоий шакл-шамойили, унинг қиёфаси, ривожланиш йўллари, устувор хусусиятлари тўғрисидаги аниқ тасаввур турли фикр, баҳс-мунозаралар орқалигина аён бўлишини эътироф этишимиз ва буни ўзимизга мезон қилиб олишимиз зарур.



**Шунингдек, асарда:**

„Бундай кенг қўламли ва ўта муҳим масалаларни ҳал қилишда давлатимиз ва жамиятимиз ижтимоий фанлар соҳасида фаолият олиб бораётган илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлиари, турли ижтимоий марказлар, авваламбор, Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан ҳар томонлама асосланган чуқур таклиф ва тавсифни кутишга тўла ҳақли“лиги баён этилган.

**Айниқса, бунда қуйидагилар алоҳида аҳамият касб этади:**

Бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини кимга ва нимага қарши қаратилганлигини аниқлаш


Мафкуравий жараёнларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш

Миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган заррли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш

Фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш

Жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услугларни ишлаб чиқиш

Давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва қўлланмаларни тайёрлашни бугунги кундаги муҳим вазифамизга айланиб бораётганини чуқур тушуниш




*Бозор ишти содиёти деб инсон  
маънавиятини унуттиш гуноҳ  
бўлади. Нуқул-пул ва фойда  
кетидан қувасак-да, аммо одам-  
ларимиз руҳан қашшоқ бўлиб  
қолишса — бундай жамиятнинг  
ҳеч кимга кераги йўқ.*

*Ислом Каримов*

**ТҮРТИНЧИ БОБ**  
**ВАТАНИМИЗ**  
**ТАРАҚҚИЁТИНИНГ**  
**МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ**

## 9-мавзу. ИНСОН ҚАЛБИГА ЙЎЛ

### 9.1. ИНСОН ҚАЛБИ ВА ТАФАККУРИГА ЙЎЛ ТОПИШ ВА ТАЪСИР ЎТКАЗАДИГАН СОҲАЛАР ҲАҚИДА



## 9.2. ИНСОН ҚАЛБИ ВА ОНГИ УЧУН КУРАШНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун курашнинг намоён бўлиши хусусиятлари*

БУЛАР:

Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ўзгариб бормоқда

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви рўй бермоқда

Жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар кучаймоқда

Кўп қутбли дунёнинг мафкуравий тизими тўла барқарорлашмагани аниқ бўлиб бормоқда


Геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсат уйғунлашмоқда

Ўрта Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар мураккаблашмоқда


Мустақилликни қўлга киритган давлатларда янги мафкуравий тамойиллар аҳамияти тобора ортмоқда

Мустақил Ўзбекистон ўзига хос миллий истиқлол мафкураси тамойиллари асосида яшамоқда

### 9.3. ИНСОН ҚАЛБИНИНГ МУСАФФОЛИГИДА ҲИТОВЧИ-МУРАБ- БИЙЛАРНИНГ РОЛИ ҲАҚИДА



#### 9.4. МАКТАБНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ ҲАҚИДА



## 9.5. ЖАМИЯТИМИЗ МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУАММОЛАРНИ БАРГАРАФ ЭТИШДА ЎЗ КУЧИМИЗ ВА САЛОҲИЯТИМИЗГА ТАЯНИБ ҲАЛ ЭТИЛАЁТГАНИ ХУСУСИДА

БУЛАР:

1 Жамиятимиз маънавиятини юксалтириш билан боғлиқ жараёнларнинг мураккаб томони шундаки, бугунги кунда бошимиздан кечириётган ижтимоий-сиёсий тараққиёт йўлида учрайдиган жуда кўп муаммоларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан фақат ўз кучимиз ва салоҳиятимизга таяниб ҳал этишга тўғри келмоқда.

Шу мақсадда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ:

2 Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг амалий натижаси ўлароқ, адабиёт ва санъат, маданият, матбуот соҳаси мафкуравий тазйиқдан бутунлай халос бўлганини қайд этиш жоиз. Ҳар қандай ижод намунаси, бадий асар синфий бўлиши ва қандайдир ғояга, коммунистик мафкура манфаатларига хизмат қилиши керак, деган қарашлар бугун ўтмишга айланди.

НАТИЖАДА:

Эркин ижод учун, миллий қадриятларимиз ва бой маданиятимизни, халқ ҳаётини тўлақонли ва ҳаққоний акс эттириш учун зарур шароитлар яратилди.

## 9.6. „ОММАВИЙ МАДАНИЯТ“НИНГ ЗАРАРЛИ ТАЪСИРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ИЛМУ ФАН ВА МАДАНИЯТ ЖАМОАТЧИЛИГИ, ИЖОД АҲЛИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

1 Ҳозирги вақтда дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, „оммавий маданият“нинг зарарли таъсиридан фарзандларимизнинг онгу тафаккурини ҳимоя қилишда илму фан ва маданият жамоатчилиги, ижод аҳлининг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда.

2 Нега деганда бизнинг миллий руҳимиз ва табиатимизга ёт ва бегона бўлган ана шундай „маданият“ намуналарини фақат танқид ва инкор қилиш ёки уларни тақиқлаш билан бирон натижага эришиб бўлмайди. Бундай хатарлардан ҳаётимизни асраш, маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик учун авваламбор эзгу инсоний гоёлар ва юксак маҳорат билан яратилган асарлар орқали халқимизнинг маданий савиясини юксалтириш, бошқача айтганда, *бугун жаҳон майдонида юз бераётган кескин ақл-заковат ва истеъдод мусобақасида беллашувга қодир бўлишимиз шарт.*

Шу сабабли:

Ўткир таъсир кучига эга бўлган телевидение ва радио соҳасини изчил тараққий эттириш

аҳолининг ҳолис ва ҳаққоний ахборотга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш

юртдошларимизнинг маданий савияси, билим ва дунёқарашини ошириш

тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш

фуқароларимиз онгида демократик қадриятлар, гражданлик позициясини шакллантириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш

Ҳозирги кунда миллий телерадио каналлар куйидаги йўналишда хизмат қилмоқда



## 9.7. РЕСПУБЛИКАМИЗ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ОЛДИДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАР ХУСУСИДА

Бу вазифалар куйидагилардан иборат:

Аввало телевидениени давлат ва жамиятимизни бамисоли бир кўприкдек боғлаб турадиган жонли мулоқот воситасига айлантириш

Эфир орқали бугунги куннинг долзарб муаммоларини кўпроқ акс эттириш

Жамоатчилик фикрини шакллантириш

Фуқароларимизнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш

Ҳар қайси инсоннинг ўз мустақил фикрини ифода этишга имкон бериш

Турли ижтимоий тоифа ва гуруҳларнинг қизиқиш ва интилишлари, ҳаётий манфаатларини ёритиб бориш

Асар муаллифи:

„Жаҳон миқёсида воқеалар шиддат билан кечаётган бир пайтда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, Интернетнинг беқийс имкониятларидан кенг фойдаланишга тайёр бўлиш матбуот, ахборот ва медиа тармоқлари, жумладан, телевидение, радио соҳасида хизмат қилишга ўзини бағишлаган, етук мутахассис бўлишга аҳд қилган ва бу соҳада ўз келажагини кўрмоқчи бўлган ОАВ ходимларининг фаолият мезонига айланиши зарурлигини вазифа этиб белгилайди.

## 9.8. ИНСОН ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПИШДА СЎЗ САНЪАТИ ВА АДАБИЁТНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА

*Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадиий адабиётдир. Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларнинг эса инсон руҳининг муҳандислари, деб таърифланиши бежиз эмас, албатта.*

*Ислом Каримов*

АСАРДА  
Мустақиллик йилларида:

Юртимизда маънавиятимизнинг ғоят муҳим ва узвий қисми бўлган адабиётни ривожлантириш

Шоир ва ёзувчиларимизнинг эзгу меҳнاتини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳосилини бераётгани

Бадиий адабиётимиз мавзулар кўлами жиҳатидан ҳам, жанрлар нуқтаи назаридан ҳам ранг-баранг бўлиб бораётгани

Адабиёт майдонида янги-янги номлар пайдо бўлаётгани

Алоҳида қайд этилган ва мустақиллик шарофати билан:

Ҳозирги пайтда тарихий мавзунини ёритишда биз Имом Бухорий ёки Имом Термизий бўладими, Жалололдин Мангуберди ёки Амир Темур сиймосини яратиш бўладими, олис ва яқин ўтмишимизнинг ҳали очилмаган саҳифаларини акс эттириш бўладими — буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли тасвирланган кўп асарлар дунёга келмоқда. ...Совет мафкураси ҳукмрон бўлган замонларда бу ҳақда сўз очиш, қўҳна ва бой тарихимизга бундай муносабатда бўлиш „тарихни идеаллаштириш“ деб танқид қилиниб, тазйиқ ўтказиб келганини ўша даврларни бошидан кечирган коммунистик мафкура жабрини тортган ёши улуг адибларимизнинг яхши эслаши муаллиф томонидан қайд этилган.

## 9.9. ЎЗБЕК ХАРАКТЕРИ ВА ТАБИАТИ ҲАҚИДА

### Ўзбек характери:

Бугунги кунда Ўзбекистон халқаро ҳамжамият сафидан муносиб ва мустақкам ўрин эгаллаб бораётганида

Ўзбекистоннинг тарихан қисқа даврда қўлга киритган улкан марраларида (сўнги ўн йил ичидаги изчил иқтисодий ўсишида)

Булар ўзбек табиатига бутун дунёда қизиқиш ва ҳурмат тобора ортиб бораётганлигида намоён бўлмоқда

Юртимизда маънавиятимизнинг гоят муҳим ва узвий қисми бўлган адабиётни ривожлантириш

### Асар муаллифининг:

„Табийки, узоқ-яқиндаги хорижий дўсту биродарларимиз, жаҳон жамоатчилиги энг аввало бизнинг замонавий адабиётимиз ва санъатимиз орқали ўзларини қизиқтирадиган ана шундай саволларга жавоб топишни истайди“, деб ёзганда ўзбек характери ва табиатини акс эттирувчи асарлар яратилиши каби вазифалар белгиланганлигини ҳар бир ижодкор илғаши лозимлигини кўрамиз.

## 9.10. МИЛЛИЙ АДАБИЁТИМИЗ НАМОЯНДАЛАРИ ОЛДИДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАР ХУСУСИДА

БУЛАР:

Халқимизнинг ҳаёт тарзи ва инсоний фазилатларини кенг намойиш этиш борасида миллий адабиётимизнинг энг яхши намуналарини чет тилларга таржима қилишда амалий натижаларга эришишни жадаллаштириш.

Асарда „Илгари ўзбек адабиётининг намуналарини бошқа тилларга таржима қилиш асосан учинчи тил, яъни рус тили орқали амалга оширилиши таъкидланади ва эндиликда адабиётимизнинг энг етук асарларини бевосита она тилимиздан ғарб ва шарқ тилларига таржима қилишга қаратилган ишларни кучайтиришимиз зарур“лиги белгиланган.

Бунинг учун

Хорижий тилларни, адабиёт ва бадий таржима санъатининг назарий ва амалий жиҳатларини ҳар томонлама пухта эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш.

*Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажagini улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак, нега деганда, улуғ адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса — миллат яшайди.*

*Ислом Каримов*

## 9.11. ИНСОННИНГ РУҲИЙ КАМОЛОТИДА МУСИҚА САНЪАТИНИНГ ЎРНИ ТЎҒРИСИДА

Тарихий маълумот:

Халқимиз ҳаётида мусиқа азалдан беқиёс ўрин тутиб келади. Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан 3 минг 300 йил муқаддам суякдан ясалган най чолғуси топилган.

*Амир Темури даврида ўтказилган мусиқий анжуманлар ҳақида:*

„Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, ғазали нақш айтур эрдилар. Ва турку мўғул, хитою араб ва ажамадин ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди“.

*Шарафиддин Али Яздий*

Айнан  
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА:

Улуғ боболаримизнинг ана шундай анъаналари давом эттирилди.

Мусиқа санъатини кенг ривожлантиришга қаратилган дастур ва режалар амалга оширилди. Мумтоз мусиқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш овозларга безавол етказиш мақсадида кўплаб кўрик-танловлар, нуфузли халқаро мусиқа анжуманлари мунтазам ўтказилиб келинмоқда.

## 9.12. „МИЛЛИЙ ЭСТРАДА“ РИВОЖИ ВА УНГА ТАХДИДЛАР ҲАҚИДА

Асар муаллифи:

„Биз эстрада санъатининг бугунги ва эртанги ривожига ҳақида сўз юритар эканмиз, авваламбор „Миллий эстрада“ деган иборанинг маъно-мазмунига алоҳида эътибор бериш“га ундайди.

Уни (миллий эстрадани — таъкид бизники — Ш.Р.) ҳар қандай бегона таъсирдан, айниқса „оммавий маданият руҳидаги оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш“га даъват этади.

Бу борада асарда:

1 Очiqдан-очiq ажнабий оммавий маданият кўринишларига тақлид қилмасликка, „юлдузлик“ касалигига чалинмасликка ундалган.

2 Бизнинг миллий анъаналаримизга, ахлоқ-одоб қоидаларига мутлақо тўғри келмайдиган клиплар.

3 „Турли тиллардаги сўзларни қориштириб ёки талаффузни атайлаб бузиб айтиш каби номуносиб ҳаракатлар“

қайд этилиб

*Маданий жамоатчилигимиз, мусиқашунос олимлар, устоз санъаткорлар, композиторлар, ёзувчи ва журналистлар, кўп сонли синъат ихлосмандларига бундай масала юзасидан ўз фикрларини очiq билдириши, шу тариқа ёшларимизга тўғри тарбия беришимиз каби муҳим вазифалар қўйилган.*

### 9.13. ТЕАТР САЊЪАТИ ХУСУСИДА

„Театр — бу ибратхонадур“.  
*Маҳмудхўжа Бехбудий*

Асарда театр санъатини ривож-  
лантириш борасида белгиланган ва-  
зифалар

БУЛАР:

Бугунги ҳаётимизни, замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини ҳар томонлама чуқур очиб берадиган, томошабинни ўзига тортадиган, ҳам драматургия, ҳам режиссура нуқтаи назаридан бадиий юксак асарларни яратиш.

Реал ҳақиқатдан йироқ, одамга маънавий озиқ бермайдиган асарлар билан театр кассасини тўлдириш ҳолатларига чек қўйиш.

Юксак бадиият ва ҳаққонийлик, эзгу мақсадларга хизмат қилиш руҳи билан суғорилган асарлар яратиш — барча санъат турлари каби бу соҳа учун ҳам асосий мезон бўлиши кераклиги.

Ёш ва истеъдодли драматург ва режиссёрлар, театр актёрларини тарбиялаб вояга етказиш.

## 9.14. КИНО САЊАТИНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ ҲАҚИДА

Мустақиллик йилларида

Кино санъатининг инсон онги ва тафаккури, жамият ҳаётига таъсири беқиёс эканлигини ҳисобга олган ҳолда, бу борада зарур моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди ва янгидан-янги фильмлар суратга олинди.

*Кино санъати ривожига борасида белгиланган вазифалар:*

Ёшларнинг тарбиясига чуқур таъсир кўрсатадиган замонавий қаҳрамон образини яратиш.

Бугунги куннинг ҳақиқий манзараси, унинг ўткир муаммоларини чуқур ҳис эта оладиган, оддий одамлар ҳаётидан узоқлашмайдиган фильмлар яратиш.

Миллий кинодраматург ва режиссёрлар тайёрлаш.

Профессионал кино мутахассислари, хусусан, режиссёрлар тайёрлайдиган том маънодаги миллий мактабни шакллантириш.



## 9.15. МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ РИВОЖИДА — ТАСВИРИЙ САЊЪАТНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА



## 9.16. БОБОМИЗ АМИР ТЕМУР ПОРТРЕТИ ҲАҚИДА

1 Баъзи бир миниатюра асарларини ҳисобга олмаганда, ўз вақтида Амир Темурнинг портрет-сурати чизилмаган. Лекин ушбу миниатюралар буюк Амир Темурнинг бетакрор шахсиятини ҳар томонлама тўлиқ ва ҳаққоний акс эттира олмаслигини таъкидлайди.

Асар муаллифи:

2 Чунки бу расмларнинг бирида Соҳибқирон мўғулга, яна бирида ҳиндга, учинчисида бошқа бир миллат вакилига ўхшатиб тасвирланганлигини, шу туфайли биз унинг асл қиёфаси қандай бўлгани ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслигимизни таъкидлайди ҳамда „кўпчилигимиз Амир Темур бобомизни шўролар даврида антрополог-ҳайкалтарош М.Герасимов „яратган“ кўрқинчли бюст орқали билардик“, деб ёзади.

3 Амир Темур саройида етти йил яшаган машҳур тарихчи Ибн Арабшоҳ бобомизнинг сурати ва сийратини шундай тасвирлайди:

3а „Темур баланд бўйли, тик қомадли, кенг пешонали, калласи катта, бағоят кучли ва салобатли, оқ-қизил юзли, кенг елкали, қадди қомади келишган, серсоқол, ўнг қўли билан ўнг оёғи захмдор, икки кўзи бамисоли икки шамдай порлаб турадиган, йўғон овозли, улуглиги ўзига ярашган, қатъий азму қарор билан сўзлайдиган, ҳақгўй киши эди. У зимдан қараш ва кўз ишоратларини сезадиган, идрокли, синчков, ҳар қандай ишоратдан огоҳ киши бўлиб, юз бериши мумкин бўлган ҳамма ишни олдиндан кўриб-билиб турар эди“.

Асарда бу ишнинг тарих ва келажак олдидаги масъулиятини ҳар томонлама чуқур ҳис этиб, турли манбаларда қайд этилган ишончли иш тутилганлиги ёзилади.

4 Ана шу талабдан келиб чиқиб, аввало, Амир Темур портретининг бир неча хонаки вариантлари тайёрланганлиги ҳамда дастлаб тарихчи олимлар, адиб ва рассомлар, жамоатчилик вакиллари муҳокамасидан ўтказилиб, умумий хулосага келинганлиги асар муаллифи томонидан бу ишга қай даражада ўта жиддий ёндашилганлигини кўрамыз.

4. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов иштирок этган навбатдаги йиғилишда бобомиз Амир Темур портретига оид муҳокамалардан бирида: „Унда Амир Темур тахтда шоҳона либосларда кўлларини қилич устига кўйиб ўйчан бир қиёфада ўтирар эди. Мен умрининг кўп қисми ҳарбий юриш ва сафарларда, эл-юрт ташвишида ўтган инсоннинг кўллари, бармоқлари, гавдаси қандай бўлиши, юз-кўзлари қандай маъно англатиши зарурлиги ҳақида“ ўз мулоҳаза ва таклифларини билдиради.

5. Шундан сўнг Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиев ана шу фикрлар асосида портретни қайта ишлади ва бутунлай бошқа сиймо — бугунги кунда бутун халқимизга яхши маълум бўлган Соҳибқироннинг мумтоз қиёфаси пайдо бўлди. Айнан ана шу сиймо кейинчалик юртимизда Амир Темур бобомизга атаб барпо этилган барча ҳайкаллар учун асос бўлиб хизмат қилди.

6. 1993 йили Тошкент шаҳридаги Амир Темур хиёбонига ўрнатиладиган ҳайкални илк бор муҳокама қилиш ҳақида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов: „Ҳайкалтарошлар тақдим этган вариантда Соҳибқирон кўлига найза тутган ҳолда тасвирланган эди. Мен бунга эътироз билдириб, „Соҳибқирон бобомиз кўлида найза ўрнига отнинг жиловини тутиб тургани маъқул, — деган фикрни билдирдим. — Бунинг рамзий маъноси бор. Чунки салтанатда найза кўтарган одамлар кўп бўлган, аммо жилов Амир Темурнинг кўлида бўлган. Бу мустаҳкам давлат тизимини кўлда маҳкам тутиб туришни англатади“.

Шу билан бирга, буюк аждодимизнинг иккинчи кўлини баланд кўтариб дунёдаги барча инсонларга тинчлик, омонлик, бахту саодат тилаётган аснода акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қолаверса, халқимизда ҳар бир иш Бисмиллоҳ айтиб, ўнг қўл, ўнг оёқдан бошланади. Бу ҳайкалда эса от нима учундир чап оёқдан одим ташлаяпти“.

7. Муҳокама иштирокчилари давлатимиз раҳбарининг бу одилona фикрига қўшилишди ва ҳайкалтарошлар билдирилган фикрлар асосида янги вариантни яратишганлиги барчамизга маълум.

8. 1996 йили Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида улуғ бобомизга атаб ҳайкал ўрнатиш бўйича амалий ишлар бажарилди.

Дастлабки лойиҳа ва таклифларга кўра, Самарқанддаги ҳайкал тимсолида Соҳибқироннинг авжи куч-қувватга тўлган навқиронлик палласи, яъни йигитлик даврини, Шаҳрисабздаги ҳайкал орқали эса унинг беғубор болалик ҳолатини ифодалаш мўлжалланган эди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов муҳокама пайтида Соҳибқирон сиймосини хронологик тарзда эмас, балки ягона, фундаментал образ сифатида тасвирлаш мақсадга мувофиқ экани ҳақида ўз фикрини қуйидагича билдиради:

8<sup>a</sup>. „Амир Темур образини турли даврларга бўлмасдан, унинг фавқулодда буюк ақл-заковати, жасорати ва азму шижоатини яхлит ҳолатда мужассам ифода этиш ҳар жиҳатдан тўғри бўларди. Токи Амир Темур сиймосини ким қаерда кўрмасин, унинг мардона, улуғвор ва донишманд қиёфасини беҳато таний оладиган бўлсин“.

9. Самарқанд шаҳридаги бобомиз Амир Темурга ўрнатиладиган ҳайкалнинг дастлабки варианты ҳам ҳозиргидан бироз бошқача эди. Унда Соҳибқирон қўлида қилич ушлаган қиёфада тасвирланган эди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бу масалага бағишланган муҳокамаларнинг бирида бундай бадиий ечимга эътироз билдириб:


„Тўғри, Амир Темур давлат бошқарувида кучга ҳам таянган, аммо унинг „ўнта ишдан тўққизтасини кенгашу машварат билан, қолган биттасини қилич билан битирдим“, деган сўзларини унутмаслик керак деб, қилични Соҳибқироннинг ёнида, қинига солинган ҳолат акс эттириш лозимлигини таъкидлайди. — Чунки шунда унинг сиймосида, мен халқимнинг ҳимояси, юртимнинг мудофааси учун ҳар лаҳзада курашга тайёрман, лекин дунёда тинчлик-барқарорлик ҳукмрон бўлишини истайман, деган ғоя ўз ифодасини топган бўлар эди“ — деб қайд этади.

10. Асар муаллифи яна шуни таъкидлайдиларки: „Соҳибқироннинг қўлларини бир-бирига қўйиб турган ҳолатини ҳам ўзгарттирдик, бармоғида „Куч — адолатда“ деган машҳур сўзлар битилган узугини бўрттириб кўрсатишга қарор қилдик. Маълумки, бу узук ва унинг кўзидаги ҳикматли ибора Амир Темурни бутун дунёга машҳур қилган. Бу шиорда бо-бокалонимизнинг ҳаётий эътиқоди теран акс этган. Шунинг учун узукни тасвирлашга албатта эътибор қаратиш керак, деган хулосага келдик“.

Шунингдек,  
АСАР МУАЛЛИФИ:

10<sup>а</sup>. „Ушбу муҳташам ҳайкалларни минг-минглаб юртдошларимиз, чет эллик меҳмонлар кўриши, улардан завқланиши, фахрланиши, бизнинг кимлигимиз қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни айнан шундай асарлар орқали ҳис этишини юзидан нур ёғилиб туриши керак деган мазмундаги фикрни билдирдим“, деб ёзади.

## 9.17. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ШАҲАРЛАРИДА ЎРНАТИЛГАН МОНУМЕНТАЛ САЊЪАТ АСАРЛАРИ




10. Асар муаллифи яна шуни таъкидлайдиларки: „Соҳибқироннинг қўлларини бир-бирига қўйиб турган ҳолатини ҳам ўзгартирдик, бармоғида „Куч — адолатда“ деган машҳур сўзлар битилган узугини бўрттириб кўрсатишга қарор қилдик. Маълумки, бу узук ва унинг кўзидаги ҳикматли ибора Амир Темурни бутун дунёга машҳур қилган. Бу шиорда бо-бокалонимизнинг ҳаётий эътиқоди теран акс этган. Шунинг учун узукни тасвирлашга албатта эътибор қаратиш керак, деган хулосага келдик“.

Шунингдек,  
АСАР МУАЛЛИФИ:

10<sup>а</sup>. „Ушбу муҳташам ҳайкалларни минг-минглаб юртдошларимиз, чет эллик меҳмонлар кўриши, улардан завқланиши, фахрланиши, бизнинг кимлигимиз қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни айнан шундай асарлар орқали ҳис этишини юзидан нур ёғилиб туриши керак деган мазмундаги фикрни билдирдим“, деб ёзади.

## 9.17. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ШАҲАРЛАРИДА ЎРНАТИЛГАН МОНУМЕНТАЛ САНЪАТ АСАРЛАРИ





## 9.18. МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ ТУФАЙЛИ

Табаррук заминимизда туғилиб вояга етган ва мангу ором топган бу азиз-авлиёларимиз хотирасига ёдгорлик мажмуалари бунёд этилганлиги асарда юксак ифтихор билан баён этилган, булар:

Бухорода

Абдухолиқ Ғиждувоний

Баҳоуддин Нақшбанд

Самарқандда

Имом Бухорий

Имом Мотуридий

Марғилонда

Бурҳониддин Марғиноний

Тошкент шаҳрида

Ҳазрати Имом

## 9.19. БОЛАЛАР ҚЎҒИРЧОҚ ВА ЎЙИНЧОҚЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХУСУСИДА


Асар муаллифи ёшлар маънавий оламини асрашга болаликда эътибор қаратиш лозимлигига ишора этиб ёзади:

*Ёшларнинг маънавий оламини болаликдан бошлаб эзгу ғоялар асосида шакллантириш ва камол топтириш ҳақида гап борар экан, яна бир муҳим масала хусусида тўхталиб ўтиш ўринли деб ўйлайман. У ҳам бўлса, дунёга ҳайрат кўзи билан боқиб, ундан ўзига маъно топишга интиладиган мурғак фарзандларимизнинг қизиқиши ва ҳиссиётларига мос қўғирчоқ ва ўйинчоқлар ишлаб чиқариш масаласидир. Бир қараганда, бу муаммо арзимас нарса бўлиб туюлиши мумкин. Лекин ҳар қайси гўдак илк бор оламни ўз атрофидаги ашё ва буюмлар, жумладан ўйинчоқлар орқали англашини инobatга оладиган бўлсак, уларнинг инсон тарбиясидаги ўрни беқиёс экани аён бўлади. Ўйинчоқлар образи боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб, унинг онгида бир умр сақланиб қолади. Гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий- маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг болаликда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади.*

*Ислоҳ Каримов*

Асар муаллифи, „ҳозирги вақтда фарзандларимиз кўпинча хорижда ишлаб чиқарилган, бизнинг миллий табиатимиздан узоқ бўлган ўйинчоқ ва қўғирчоқларни ўйнаб улғаймоқда“ деб, афсус билан ёзади ва кенг жамоатчилиқни яна бир карра маънавий тарбияга дахлдорлиги ҳисси билан яшашга ундайди.

10.1. МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ — ЭНГ БУЮК ЖАСОРАТ ЭКАНЛИГИ



## 10.2. МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ НАМУНАСИНИ ЯҚҚОЛ НАМОЁН ЭТГАН ЗОТЛАР

Бутун умр оддий ва камтарона, лекин эзгу гоялар йўлида курашиб яшаган бу зотлар:

Юнон файласуфи Платон (шарқда „устоди аввал“ яъни „биринчи муаллим“ номи билан машҳур)

Афина шаҳри яқинида махсус ер сотиб олиб, олимлар тўпланиб, баҳс-мунозара бўладиган жой — академия ташкил этган.

Бағдоддаги „Байтул-хикма“ ва Хоразм Маъ-мун академияси

Унинг негизини Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад, Ибн Ҳамид Найсабурий каби етук алломалар ташкил этган

Ўрта асрларда астрономия илмий кашфиётлари учун тазйиқ ва таъқибларга уч-раган

Николай Коперник

Н. Коперникнинг издоши жоҳил ва ақидапараст руҳ-онийлар томонидан ўтга ташланган

Жордано Бруно

Қанчадан-қанча маломат-ларга гирифтор этилган

Галилео Галилей


XX асрда Ҳиндистон бир-лиги, мустақиллиги учун курашган

(Буюк қалб эгаси сифати-да шуҳрат қозонган, улкан мутафаккир ва давлат ар-боби) Маҳатма Ганди

Фалсафий-сиёсий қарашларда инсоният учун ибратли жиҳатлар кўп. Жумладан, унинг турли муаммо ва зиддиятларни куч ишлат-масдан, тинч йўл билан ҳал этишга оид фикрлари дунё давлатла-ри ўртасидаги муносабатларда, ижтимоий ҳамкорлик масаласи-да бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

## 10-мавзу. ЭНГ БУЮК ЖАСОРАТ

### 10.1. МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ — ЭНГ БУЮК ЖАСОРАТ ЭКАНЛИГИ



## 10.2. МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ НАМУНАСИНИ ЯҚҚОЛ НАМОЁН ЭТГАН ЗОТЛАР

Бутун умр оддий ва камтарона, лекин эзгу гоялар йўлида курашиб яшаган бу зотлар:

Юнон файласуфи Платон (шарқда „устоди аввал“ яъни „биринчи муаллим“ номи билан машхур)

Афина шаҳри яқинида махсус ер сотиб олиб, олимлар тўпланиб, баҳс-мунозара бўладиган жой — академия ташкил этган.

Бағдоддаги „Байтул-хикма“ ва Хоразм Маъмун академияси

Унинг негизини Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад, Ибн Ҳамид Найсабурий каби етук алломалар ташкил этган

Ўрта асрларда астрономия илмий кашфиётлари учун тазйиқ ва таъқибларга учраган

Николай Коперник

Н. Коперникнинг издоши жоҳил ва ақидапараст руҳонийлар томонидан ўтга ташланган

Жордано Бруно

Қанчадан-қанча маломатларга гирифтор этилган

Галилео Галилей


XX асрда Ҳиндистон бирлиги, мустақиллиги учун курашган

(Буюк қалб эгаси сифатида шуҳрат қозонган, улкан мутафаккир ва давлат арбоби) Маҳатма Ганди

Фалсафий-сиёсий қарашларда инсоният учун ибратли жиҳатлар кўп. Жумладан, унинг турли муаммо ва зиддиятларни куч ишлатмасдан, тинч йўл билан ҳал этишга оид фикрлари дунё давлатлари ўртасидаги муносабатларда, ижтимоий ҳамкорлик масаласида бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

## 10-мавзу. ЭНГ БУЮК ЖАСОРАТ

### 10.1. МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ — ЭНГ БУЮК ЖАСОРАТ ЭКАНЛИГИ



## 10.2. МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ НАМУНАСИНИ ЯҚҚОЛ НАМОЁН ЭТГАН ЗОТЛАР

Бутун умр оддий ва камтарона, лекин эзгу ғоялар йўлида курашиб яшаган бу зотлар:

Юнон файласуфи Платон (шарқда „устоди аввал“ яъни „биринчи муаллим“ номи билан машхур)

Афина шаҳри яқинида махсус ер сотиб олиб, олимлар тўпланиб, баҳс-мунозара бўладиган жой — академия ташкил этган.

Бағдоддаги „Байтул-ҳикма“ ва Хоразм Маъмун академияси

Унинг негизини Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад, Ибн Ҳамид Найсабурий каби етук алломалар ташкил этган

Ўрта асрларда астрономия илмий кашфиётлари учун тазйиқ ва таъқибларга учраган

Николай Коперник

Н. Коперникнинг издоши жоҳил ва ақидапараст руҳонийлар томонидан ўтга ташланган

Жордано Бруно

Қанчадан-қанча маломатларга гирифтор этилган

Галилео Галилей

XX асрда Ҳиндистон бирлиги, мустақиллиги учун курашган

(Буюк қалб эгаси сифатида шуҳрат қозонган, улкан мутафаккир ва давлат арбоби) Маҳатма Ганди

Фалсафий-сиёсий қарашларда инсоният учун ибратли жиҳатлар кўп. Жумладан, унинг турли муаммо ва зиддиятларни куч ишлатмасдан, тинч йўл билан ҳал этишга оид фикрлари дунё давлатлари ўртасидаги муносабатларда, ижтимоий ҳамкорлик масаласида бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.



### 10.3. ЎЗБЕК ХАЛҚИ ТАРИХИДА МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ ТУЙҒУСИНИНГ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА

Халқимиз тарихнинг ҳар қандай тўфон ва суронларига қарамасдан:

Миллий ўзлиги ва азалий қадриятларини сақлаб қолиб, бугунги дориломон замонларга безавол етиб келишда унинг қон-қони, суяк-суягида бўлган МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ туйғуси, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи таъсир ўтказиб келмоқда.

Чунки, ўзбек халқи

Дунё майдонида кунни кеча тасодифан пайдо бўлиб қолгани йўқ.

Биз — бой тарих, юксак маданият, буюк маънавият ворисларимиз

Қадимий тарихимизни ҳар томонлама ўрганиб, шундай хулосага келиш мумкинки, энг қалтис ва таҳликали даврларда миллатимизга ишонч берган, уни ёвларга қарши курашга ундаган, аждодларимизни илмий кашфиётлар, ҳарбий зафарларга, маърифат машъалини баланд кўтариб жаҳолатга қарши курашган беқиёс куч ҳам айнан МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ туйғусидир.

#### 10.4. ҲАҚИҚИЙ ҚАҲРАМОНЛИК ҲАҚИДА

*Лекин менга буюрса, ҳар куни, ҳар соатда фидоий бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш — ҳақиқий қаҳрамонлик асида мана шу, деб айтган бўлар эдим.*

*Ислом Каримов*

Нега деганда,

Кундалик ҳаётда жонкуяр бўлиш


Ҳар куни фидоийлик кўрсатиш

Руҳан ҳеч қачон букилмай, бу фазилатни ҳаёт қондаси даражасига кўтариш, очиқ айтиш лозимки, бу ҳамма-нинг қўлидан келавермайди.

Бунинг учун:

**ИНСОНГА БУЮК ҚАЛБ ВА МЕТИН ИРОДА КЕРАК**

## ХОТИМА



2 Бугунги кунда маънавият дунёсига нисбатан мавжуд бўлган хавф-хатарлардан, албатта, кўз юмиб бўлмайди, лекин бизнинг ишончимиз комилки, халқимиз тарихнинг мураккаб жараёнларида иродаси чиниқиб, ҳар қандай ҳужум ва тазийқларга қарамасдан, маънавий олами кучайиб ва юксалиб бораётгани, бизни кўролмайдиган кучлар ҳам бу ҳақиқатни тан олаётганини мамнуният билан қайд этамиз.

Чунки халқ — бамисоли улуғ ва шарафли йўлдан илгарилаб бораётган улкан қарвон. Уни йўлдан чалғитишга уринувчилар, пайт пойлаб орқасидан ҳамла қилувчилар ҳамиша бўлган, бундан кейин ҳам бўлиши мумкин. Қарвон бехатар бўлмас, деган гап бежиз айтилмаган. Аммо халқ қарвонини ҳеч қандай куч ортага қайтаролмайди. Нега деганда, халқини қалбида не-не авлодлардан мерос енгилмас куч — маънавият бор.

## АСАРДА КЕЛТИРИЛГАН АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ИЗОҲИ

**Ватан** (арабча — ўсган жой, юрт) — кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи, юрт, диёр ёхуд киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат, она юрт<sup>1</sup>, деб таъриф берилган.

**Ватанга меҳр-муҳаббатли бўлиш** — ғоят чидам, ғоят юксак оғт талаб этувчи ўзига хос илм ва буни эгаллаш ҳам бешикдан бошланмоғи ва оқибат сўнгги нафасга қадар давом этмоғи жоиз. Ватанпарварлик — Ватанни севмоқликни англатса, бу илмни эгаллаган киши Ватанга жонини атаган комил инсон мартабасига етган бўлади. Ватандан олганимиз — қарзидир, қарзни эса қайтармоқ фарзидир. Биз ҳар биримиз Ватанни севамиз, чунки Ватан — биз нафас олаётган ҳаводир<sup>2</sup>.

„Ўзининг ҳаётини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафқурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафқура бўлмаса, ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши муқаррар.

**Миллий мафқура** халқнинг мақсад-муддаоларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, суянч ва таянч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий ва маънавий муаммоларга жавоб излайди. У инсонга фақат моддий бойликлар ва неъматлар учун эмас, аввало, Аллоҳ таоло ато этган ақл-заковат, иймон-этиқод туфайли юксак маънавиятга эришиш учун интилиб яшаш лозимлигини англатадиган, бу мураккаб ва таҳликали дунёда унинг тараққиёт йўлини ёритадиган маёқдир“<sup>3</sup>.

**Ҳаёт фалсафаси.** „Бир сўз билан айтганда, тарихий воқеликка мана шундай қараш, жамулжам бўлиб яшаш туйғуси биз учун ҳаёт фалсафасига, яна ҳам аниқроғи, ҳаёт қоидасига айланиб кетган. Замо-навий тилда айтадиган бўлсак, бу миллий менталитетимизнинг асоси-ни ташкил этадиган, бизни бошқалардан ажратиб турадиган шундай бир хусусиятки, уни сезмаслик, англамаслик, кўрмаслик умуман мум-кин эмас“.

**Маънавий йўқотиш.** „Бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Қаердадир бўшлиқ пайдо бўлдимиз, ҳеч шубҳасиз, уни ал-батта кимдир тўлдиришга ҳаракат қилади“.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-ж. / Таҳрир ҳайъати Т.Мирзаев ва бошқ. — Т., 2006. — 444-бет.

<sup>2</sup> Тоҳир Малик. Танланган асарлар: Энг кичик жиноят. 7-ж. — Т., 2008. — 198-бет.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-т. — Т., 2001. — 101-бет.

**Ҳозирги кунда ким кўп, ана шундай маънавий бўшлиқни тўлдиришга уринадиган, шунинг ҳисобидан ўзининг ғаразли мақсадларини амалга оширишни ўйлаб юрганлар кўп.** Минг афсуски, бу кучларнинг асл қиёфаси, мақсад-муддаолари ва имкониятларини тўла ва аниқ-равшан тасаввур қилиш осон эмас. Нега деганда, кўпинча турли ниқоблар, жозибали шиор ва ғоялар пардаси остида иш кўради. Бундай кучларнинг ихтиёрида жуда катта моддий, молиявий ресурслар ва имкониятлар мавжуд бўлиб, уларнинг пухта ўйланган, узоқ ва давомли ёвуз мақсадларига хизмат қилмоқда.

**Маънавий таҳдид.** Бу, аввало, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозимлиги.

**Дахлдорлик туйғуси.** Авваламбор, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуг аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириш бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарурлигидир.

**Маънавият.** Бу — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.

**Руҳий покланиш.** Маънавиятнинг негизи ва маъно-мазмунини белгилайдиган асосий хусусиятлар, биринчи галда инсоннинг руҳий покланиши ва қалбан улғайиши ҳақида гапирар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Албатта, бу дунёда ҳалол ва пок яшашни ўзи учун ҳаётий эътиқод, олий мақсад деб биладиган одамлар кўпчиликни ташкил қилади.

**Манфаатпараст.** Агарки эътибор берсак, тилимизда ҳалоллик ва нопоклик ҳақидаги ҳикматлар билан бирга, „Йўлини топибдими, қандини урсин“, „Узумини енгу, боғини суриштирманг“ деган мақоллар ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайдди. Албатта, бундай мақол-маталлар бежиз пайдо бўлмаган, улар ҳам маълум бир ҳақиқатнинг ифодаси. Бинобарин, биз ҳаётнинг маъно-мазмунини шундай тушуниб, шу асосда яшашга интиладиган кишилар борлигини инкор этолмаймиз. Лекин, менинг назаримда, бундай гаплар одамнинг бойлик ва мол-дунёни қандай йўллар билан топаётганига лоқайд ва бепарво қарайдиган, манфаатпараст шахслар томонидан тўқиб чиқилгандек туюлади.

**Мантиқий фикрлаш.** Биз бу ҳақда гапирганда, аввало онгли яшайдиган, мантиқий фикрлашга қодир бўлган, ўз қарашларининг маъно-

мазмунини ҳар томонлама асослаб, исботлаб бера оладиган одамларни назарда тутамиз.

**Ички қобилият ва салоҳият.** Агар биз дунё тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бошқа халқлар ҳам озодлик ва мустақилликни қўлга киритиш, миллий тикланиш, ўз давлатчилигини, ҳавас қилса арзийдиган фуқаролик жамиятини мустақамлаш жараёнида ана шундай фазилатларга таяниб ва суяниб, барча соҳаларда — бу иқтисодиёт ёки ижтимоий ҳаёт бўладими, маданият, таълим-тарбия ва илм-фан бўладими, ўзининг беқиёс ички қобилияти ва салоҳиятини ишга солиш, уни рўёбга чиқариш ҳисобидан тараққиётга эришишдир.

**Адолат ва ҳақиқат, виждон поклиги, меҳр-шафқат, инсофу диённат.** Виждон поклиги ва бедорлиги асрлар, замонлар оша инсон маънавиятининг таянч устунларидан бири бўлиб келмоқда. Жамият ҳаётида адолат ва ҳақиқат, меҳр-шафқат, инсоф-диённат каби тушунчаларни қарор топтиришда айнан мана шу омилнинг ўрни ва таъсири беқиёсдир.

**Осори атиқалар.** Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган бу каби тарихий ёдгорликлар орасида бундан қарийб уч минг йил муқаддам Хоразм воҳаси ҳудудида яратилган, „Авесто“ деб аталган бебаҳо маънавий обида алоҳида ўрин тутади. Авваламбор, шуни айтиш жоизки, олис ота-боболаримизнинг ақл-заковати, қалб қўри маҳсули бўлмиш бу ноёб ёдгорликнинг замон тўфонларидан, қанчадан-қанча оғир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келганининг ўзида катта маъно мужассам. Бундай ўлмас осори атиқалар бу кўҳна ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда қадимда буюк маданият мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради.

**Наврўз фалсафаси.** Янгиланиш ва эзгулик тимсоли бўлган Наврўз фалсафаси халқимизга мансуб одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби юксак хусусиятлардан озиқланиб келгани, аждоқларимиз асрлар давомида қандай буюк умуминсоний ғоялардан баҳраманд бўлиб, маънавий камол топганининг яна бир тасдиғидир.

**Мутаассиб кучлар.** Ислом динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган кучлар бўлиб улар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, гўр ёшларни ўз тузоғига илантириб, бошкўзини айлантириб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланишдир.

**Сиёсий бошбошдоқлик.** XIX асрдаги чоризм истилоси кўпгина сабаблар билан бир қаторда авваламбор ўша пайтда мавжуд бўлган сиёсий бошбошдоқлик, ҳукмрон кучларнинг узоқни кўролмаслиги, маъ-

навий заифлиги оқибатида рўй берганини тарихий мисоллар исботлаб турибди.

**Портлаш эффекти.** Энг муҳими шундаки, „портлаш эффекти“нинг ҳақиқий моҳияти ва аҳамияти вақт ўтиши билан, биз тарбия қилаётган соғлом ва баркамол авлоднинг сафимизга тобора илдам кириб бориши билан янада яққолроқ сезилади.

**Диалектика.** Юксак тараққиётга эришишни орзу қиладиган ҳар бир инсон ва жамият ўз ҳаётини айнан ана шундай диалектик ва узвий боғлиқлик асосида қурган ва ривожлантирган тақдирдагина ижобий натижаларга эриша олишидир.

**Миллий ғоя.** Миллий ғоя деганда, аجدодлардан-авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлаймизки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз.

**Эркин фуқаро маънавияти.** Бугунги кунда мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини барпо этишда „Эркин фуқаро маънавияти“ни шакллантириш масаласи биз учун ғоят долзарб аҳамиятга эга.

**Ҳаёсизлик, бемаънилиқ.** Кейинги пайтда санъатда ошкоралиқни пеш қилиб, телевизор, кино экранларида, матбуот воситаларида бўлмағур лавҳаларни акс эттириш, бемаънилиқ ва ҳаёсизликни, баъзан эса, ҳатто ахлоқий бузуқликни тарғиб қилишлар кўпайиб қолганлигидир.

**Инкорни инкор қонуни.** Айни пайтда юртимизда миллий тикланиш жараёни қарийб бир ярим аср давом этган ижтимоий-сиёсий қарамликдан кейин дастлабки пайтларда мутлақо табиий равишда ўзига хос „инкорни инкор“ қонунияти асосида кечганини айтиш лозим.

**Миллий бетоқатлик.** Ҳар қандай ижтимоий ҳодиса сингари миллий қадриятларнинг ҳам ўзига хос ривожланиш қонунияти бор. Бу ҳақиқатни унутиш, миллий қадриятларни бирёқлама, сунъий равишда улуғлаш ва идеаллаштиришга уриниш, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланиш салбий оқибатларга олиб келиши ҳаётда кўп бора ўз исботини топган. Айниқса, Ўзбекистон каби кўпмиллатли, кўпконфессияли мамлакатда бундай ҳаракатлар охир-оқибатда миллатлараро зиддият, миллатчилик, миллий ва диний бетоқатлик каби нохуш ҳолатларга олиб келиши мумкин.

**Жамият тафаккурини янгилаш.** Айни вақтда биз жамиятни ва жамият тафаккурини янгилашнинг инқилобий усулларга, бу жараённи сунъий равишда четдан туриб, зўравонлик йўли билан тезлаштиришга мутлақо қаршимиз.

**Демократия.** Демократия, авваламбор, маънавий мезонлар асосида бошқариладиган, кучли ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти демақдир.

**Глобаллашув.** Бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир.

**Цивилизациялараро мулоқот.** Айниқса, давлатлар ва халқлар ўрта-сидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда янгича сифат касб этиши.

**Жаҳон ахборот майдони.** Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

**Маънавий тарбия.** Тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин.

**Ахлоқсизлик.** Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бутунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда.

**Ирода.** Ирода — бу аслида мустақкам ишонч демакдир. Иродаси бақувват одам ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам ўз зиммасига олишдан кўрқмайди.

**Бепарво одам.** Азалдан маълумки, бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир. Чунки душманнинг кимлиги, асл қиёфаси сиз учун олдиндан маълум бўлади. Бироқ лоқайд ва бепарво одамнинг қиёфасини бирданига билиб бўлмайди. Шунинг учун ичингизда юриб, сизга қарши тиш қайрайдиган душманлар учун имконият яратиб беради.

**Миллий эстрада.** Биз эстрада санъатининг бугунги ва эртанги ривожи ҳақида сўз юритар эканмиз, авваламбор „миллий эстрада“ деган иборанинг маъно-мазмунига алоҳида эътибор беришимиз, уни ҳар қандай бегона таъсирдан, айниқса, „оммавий маданият“ руҳидаги оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишимиз табиий, албатта.

**Маънавий жасорат.** Бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат — бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янгилишмаган бўламиз.



**Қахрамонлик.** Ҳар куни, ҳар соатда фидоий бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш — ҳақиқий қахрамонлик аслида мана шу, деб айтган бўлар эдим.

„Юксак маънавият — енгилмас куч“ асарининг амалий аҳамияти яна шундаки, унда мустақил Ўзбекистон фуқароларининг, жумладан, замонавий қахрамоннинг маънавий қиёфаси яратилган.

Асар муаллифи ҳозирги замон кишиси фаолиятининг учта асосга қурилишини таъкидлайди.

Булар:

— *Мустақил фикрлаш.*

— *Ватанпарварлик, маънавий жасорат.*

— *Касбкорлик* (профессионализм).

Дарҳақиқат, мустақил фикр бўлмаган жойда — тобелик, маънавий таҳдид мавжуд бўлади. Мустақил фикрга эга бўлган инсон ҳеч қачон ўзгаларга қарам бўлмайди.

**Мустақил фикр** — яратувчанлик ва бунёдкорликнинг маънавий йўлидир.

**Касбкорлик** — жамият маънавий хавфсизлигини мустаҳкамлайди. Ҳунарсиз, илмсиз одам бузғунчиликка, жиноятга мойил бўлади. Жамият касбкор инсонлар жамияти бўлсагина у тараққий топади ва ривожланади. Аксинчаси ўринли эмас. Агар инсонда диплом бўлса-ю, мутахассислик малакаси бўлмаса — бу маънавий эврилишдир. Шу боисдан, асар муаллифи инсонларни диплом учун эмас, илм, касб-ҳунарни эгаллаш учун тинимсиз ўқиш ва изланишга чақиради. Ўзбекистонда илм, касб-ҳунарни эгаллаш учун барча шароитлар яратилган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан кўзланган асосий мақсад ҳам жамиятни касбкорлар жамиятига айлантиришдан иборатдир.

**Фан** — араб тилидан олинган бўлиб, — санъат, маҳорат, эркин касб, илм, билим, тармоқ маъноларини англатади. Табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонуниятларини очиб берувчи ҳамда ўзи эришган натижалар билан атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи билимлар тизимидир.<sup>1</sup>

**Ғоя** — инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикр. Ҳар қандай ғоянинг асосида билим ётади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-ж. / Таҳрир ҳайъати *Т.Мирзаев* ва бошқ. — Т., 2008. — 324-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Фалсафа: Қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир *Қ.Назаров*. — Т., 2004. — 484-бет.

**Диний ғоялар** деб, ҳар бир диний таълимот ва оқимнинг асосини, диний иймон-эътиқоднинг негизини ташкил этувчи ғояларга айтилади<sup>1</sup>.

**Илмий ғоялар** — фан тараққиётининг самараси, илмий кашфиётларнинг натижаси сифатида пайдо бўладиган, турли фан соҳаларининг асосий тамойиллари, устувор қоидаларни ташкил қиладиган илмий фикрлар.

**Фалсафий ғоялар** — ҳар бир фалсафий таълимотнинг асосини ташкил этадиган, олам ва одам тўғрисидаги энг умумий тушунча ва қарашлар. Улар бизни ўраб турган дунёни билиш жараёнида кишилик жамиятининг тараққиёти мобайнида тўпланган билимларни умумлаштириш, инсон ҳаётининг маъно-мазмуни, унинг бахт-саодати каби масалалар устида мулоҳаза юритиш асосида шаклланади<sup>2</sup>.

**Бадий ғоялар** адабиёт ва санъат асарининг асосий маъно-мазмунини ташкил этадиган, ундан кўзланган мақсадга хизмат қиладиган етакчи фикрлар.

**Сиёсий ғоялар** давлат ва жамият ишларида фуқароларнинг сиёсий манфаатларига хизмат қиладиган ғоялар, бўлиб давлат миқёсида (ички) ва давлатлараро (ташқи) муносабатларда ҳокимиятнинг ўз манфаат ва қизиқишларини амалга ошириш билан боғлиқ. Сиёсий ғоялар давлатни бошқариш санъати, ҳокимиятнинг жамият устидан сиёсат олиб бориш мақсадлари, ҳокимиятчиликнинг турли шакллари ифода этувчи устувор ғоялар туркумидир.

**Ғоявий заифлик** — халқ оммасининг туб манфаатларини ва кўнглидаги орзу-интилишларини ифода этадиган, уни тараққиёт сари, улкан мақсадлар йўлида жипслаштирадиган ҳаққоний ва жозибали ғоянинг, мафкуранинг йўқлиги, ишлаб чиқилмаганлиги натижасида ҳосил бўлади. У кўп ҳолларда маънавий беқарорлик ва парокандаликка олиб келади<sup>3</sup>.

**Ғоявий бўшлиқ** — муайян шароитда жамият, ундаги тоифа ва қатламларнинг онгида содир бўладиган ғоясизлик, мафкуравий вакуум ҳолати<sup>4</sup>. Яъни ғоявий бўшлиқ — муайян шароитдаги билимсизлик, англаб олинган ғоянинг йўқлиги.

**Ғоявий саводсиз** инсонлар мустақил фикр, мустаҳкам ирода, ўз дунёқарашига эга бўлмайди, замонавий фан-техника, информацион технологиялар, комиллик фазилатларидан йироқлашиб борадилар,

<sup>1</sup> Қаранг: Миллий истиқдол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар / Масъул муҳаррир Қ.Назаров. — Т., 2001. 27-б.

<sup>2</sup> Ўша манба. — 29-бет.

<sup>3</sup> Қаранг: Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. — Т., 2007. — 337-бет.

<sup>4</sup> Фалсафа: Қомусий лугат / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. — Т., 2004. 484-бет.

жамиятда ўз ўрнига, аниқ мақсадларига эга бўлмайдилар. Жамиятда мафкуравий жиҳатдан етарли билим, малака, кўникмаларга эга бўлмаган инсонлар ғоявий саводсизликка учрайди.

**Ғоявий тажовуз** — муайян бир жамият, давлат, ижтимоий қатлам онги ва руҳиятига ташқаридан ўтказиладиган мафкуравий таъсир, ғаразгўй мақсад-манфаатларга хизмат қиладиган мафкуравий босқинчилик<sup>1</sup>.

**Мафкура** (арабчада „фикрлар мажмуи“) — муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими<sup>2</sup>.

**Иммунитет** — лотинча «immunitas» — бирор нарсанинг чидамлилиги.

**Мафкуравий иммунитет**<sup>3</sup> — маълум бир шахсда ёки ижтимоий гуруҳда ўзига хос бўлган, қатъий, барқарор мафкуравий қарашнинг шаклланганлиги, маълум мафкура тамойилларининг ўз ижтимоий-сиёсий фаолияти билан мустаҳкамлаганидир.

**Мафкуранинг диний илдишлари** инсон онги ва руҳияти билан узвий боғлиқлиги сабабли унинг ғоявий илдишлари диний таълимотларга бориб тақалади. Булар Авесто, Таврот, Забур, Инжил, Қуръони Карим, Ҳадиси шариф каби муқаддас китобларда ўз аксини топган. Бу ғоялар Имом ат-Термизий, Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдулҳолиқ Фиждувоний, Хўжа Аҳрор Валий каби буюк аждодларимизнинг бой маънавий мерослари орқали ўрганилиб, улардан жамиятимиз тараққиёти йўлида кенг фойдаланилмоқда.

**Мафкуранинг фалсафий илдишлари** деганда, унинг фалсафа илми хулосаларига асосланиши тушунилади. Ҳар бир халқнинг ўзига хос фалсафий мероси, қарашлари, ғоялари уларнинг мақсадларида ўз ифодасини топади.

**Мафкуранинг дунёвий илдишлари** — маърифий дунёга хос сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатлар мажмуи. Умумэтироф этилган принциплар ва қонунлар устуворлиги, сиёсий плюрализм, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби ғоялар дунёвий жамиятнинг асосини ташкил этади. Бундай жамиятда инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари, жумладан виждон эркинлиги ҳам қонун йўли билан кафолатланади.

**Мафкуравий полигон** — одамлар ва халқларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган турли мафкураларнинг синов майдони.

<sup>1</sup> Қаранг: Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. — Т., 2007. — 341-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Фалсафа: Қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. — Т., 2004. — 244-бет.

<sup>3</sup> Иммунитет — лотинча «immunitas» — бирор нарсанинг чидамлилиги.

Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга<sup>1</sup> бўлиб бормоқда.

**Эгоцентризм** — лотинча «ego» — мен, «centrums» — марказ маъноларини англатади. Унда шахс ўзининг шахсий мақсадлари, фикрларига таяниб, бошқа одамларнинг ҳолати, тили ва воқеаликнинг таъсирини холис қабул қилолмайди. Шу боис, барча жараёнлар марказида шахсий манфаат ётганлиги яққол кўзга ташланади. Эгоцентризм шахсий мавқе сифатида ўзгаларнинг истак ва хоҳиши билан ҳисоблашмаслик, ўз фикрининг нотўғрилигини билса ҳам ўзгаларнинг фикрини инобатга олмаслик ғоясига асосланади.

**Миссионерлик** — бир диндаги фуқароларни бошқа динга тарғиб этиш орқали жалб этиш. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм — бу тўғридан-тўғри бирон-бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилишдир)<sup>2</sup>, шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қонданинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар<sup>3</sup>.

**Диний ақидапарастлик** — бирор-бир фикр, таълимотга, муайян оқим тарафдорларига, ақидаларга кўр-кўрона ишониш, унга ёпишиб олиш, ҳар қандай шароитда ҳам унинг ўзгаришига йўл қўймасликка ҳаракат қилиш.<sup>4</sup>

„Зеро, — деб уқтиради давлатимиз раҳбари, — биз жамиятимиз тараққиётини фақатгина иқтисодий, ижтимоий фаровонлик билангина эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг кишилар онгида нечоғлик чуқур илдиз отиши билан баҳолаймиз“<sup>5</sup>.

**Ҳуқуқий маданият** — бу қонунни тушуниш, билиш, ҳаётга татбиқ этиш, ижросини таъминлаш, ҳар бир шахснинг, фуқаронинг ижтимоий ҳаётда фаол иштироки ва бундай фаолликни бошқалардан ҳам талаб қилиш жараёнидир.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2008. — 113-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Фалсафа: Қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. — Т., 2004. 60-бет.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг „Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида“ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. — 1998. — № 5—6. — 99-м.; 5-м.

<sup>4</sup> Фалсафа: Қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. — Т., 2004. — 113—114-бетлар.

<sup>5</sup> Каримов И.А. Келажакни жасоратли одамлар куради. 7-т. — Т., 1999. — 333-бет.

**Маънавият — буюк яратувчанлик кучи.** Маънавият чекинган жойда бузгунчилик бошланади. Аслида ҳам, маънавиятнинг чегарасидан чиқиш ахлоқсизлик, ҳуқуқбузарлик ёки жиноят йўлига кириш демакдир. Маънавият — инсоният томонидан яратилган барча яхшиликлар, фазилатлар мажмуи. Шундай экан, маънавият инсоният излаётган тинчлик ва ривожланиш асосида ётган бойликдир. Дунёда ўзаро ишонч ва ривожланиш бўлмас экан, тинчлик ва осойишталикни таъминлаб бўлмайди. Демак, тинчлик ва фаровонликнинг калити қуролланиш ёки қўрқитиш ва зўрликда эмас, маънавиятдадир<sup>1</sup>.

„Шундай жиноят борки, уни оқлаб бўлмайди, бу — Ватанга хиёнатдир“, — деб ёзган эди француз мутаффакири Пьер Буаст<sup>2</sup>.

**Юрт тинчлиги** — бебаҳо неъмат, улуг саодат ва барқарор тараққиёт гаровидир. Инсоният ўз тараққиётининг барча босқичларида, аввало, тинчлик-тотувликка интилиб яшаган. Тинчликни сақлаш ва мустақамлаш масаласи — умуминсоний муаммо. Шунинг учун мамлакатимиз Конституциясида „Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир“<sup>3</sup>, деб қайд этилган.

„Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири — бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришидир“<sup>4</sup>.

**„Комил инсон“ ғояси** — ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзодга хос энг юксак маънавий ва жисмоний мукамалликни ўзида мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олийжаноб ғоя. „Комил инсон“ ғояси нафақат муайян шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат соҳасида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган ғоядир. Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Улар таназзулга маҳкум. Миллий ғоямизнинг асосий мақсадларидан бири — ҳар томонлама комил инсонни тарбиялаш. *Комил инсон* — қуллик, мутелик, боқимандаликдан батамом халос бўлган инсон. Чунки инсон бировга қулдек эргашса, демак, ижтимоий жиҳатдан у ҳеч нарсага эришмаган бўлади. Комил инсон ўз маслаги, Ватани, халқи манфаатларига ёт,

<sup>1</sup> *Мамадалиев Ш.О.* Ватанпарвар малакали кадрларни тайёрлаш — миллий ғоя талаби // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2010. — №1. — 100-бет.

<sup>2</sup> *Очилдиев А.* Миллий фазилатларимиз ватанпарварлик. — Т., 2008. — 19-бет.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., 2010. — 10-бет.

<sup>4</sup> *Каримов И.А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т., 1999. — 58–59-бетлар.

зарарли мафкураларни тарқатаётган кимсалар ортидан кўр-кўрона эргашиб кетавермайди, огоҳ ва фаол бўлади.

„Ижтимоий ҳамкорлик“ ғояси — турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини ифодаловчи ғоядир<sup>1</sup>. „Ижтимоий ҳамкорлик“ ғоясини рўёбга чиқариш учун фуқаролик жамияти институтларидан юқори даражадаги уюшқоқлик, салоҳиятини кучайтириш, ташкилий, молиявий ҳолатини тубдан яхшилаш талаб этилади. Турли қарашга эга бўлган инсонлар ва гуруҳларни ягона мақсад йўлида бирлаштириш, жипслаштириш — ғоят мушкул ишлардан бири. Аммо, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек олий мақсадимизни рўёбга чиқаришда орзу-истаклар бирлашади. Шунинг учун „ижтимоий ҳамкорлик“ ғояси умумжамият манфаатлари йўлида давлат, нодавлат нотижорат ташкилотларининг уйғунлик асосида иш юритишини тақозо этади<sup>2</sup>.

„Миллатлараро тотувлик“ ғояси — муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг баҳамжиҳат яшашлари, ҳамкорликда фаолият юритишларини ифодаловчи тушунча<sup>3</sup>.

„Миллатлараро тотувлик“ ғояси — мамлакатимиздаги турли миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликни ифода этувчи мустаҳкам пойдевор. Бу ғоянинг мақсади Ўзбекистондаги ҳар бир миллат ва элат вакилларининг эркин яшашлари ва фаолият кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Бугунги кунда ер юзида 6,5 миллиардга яқин аҳоли яшайди. Дунёдаги 1600 дан ортиқ этник гуруҳдан 200 га яқини миллий давлатчилигига эга, холос<sup>4</sup>. Ўзбекистонда 28,5 миллион аҳолининг тахминан 18 миллиондан кўпроғини, шунингдек, Тожикистонда жами аҳолининг — 24,4, Қирғизистонда — 13,8, Туркменистонда — 9,0, Қозоғистонда — 2,5 фоизини ўзбеклар ташкил қилади.

Ўзбекистон кўп миллатли, полиэтник давлат. Маълумотларга кўра, бундан юз йил аввал ҳозирги республикамиз ҳудудида 70 га яқин миллат вакиллари истиқомат қилган. Орадан 30 йил ўтгач, бу сон 91 тага, 1959 йил 113 тага, 1979 йил 123 тага етди.<sup>5</sup>

---

<sup>1</sup> Қаранг: Фалсафа: Қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. — Т., 2004. — 153-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: *Набираев А.* Ижтимоий ҳамкорлик фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим талабидир / Халқ сўзи. — 2011. — 21 апр.

<sup>3</sup> Қаранг: Фалсафа: Қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. — Т., 2004. — 262-бет.

<sup>4</sup> Қаранг: Фалсафа: Қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. — Т., 2004. — 262-бет.

<sup>5</sup> Ўзбекистон: динлараро ҳамжиҳатлик — тинчлик гарови / Нашрга тайёрловчи *Ш. Сирожиддинов*. — Т., 2005. — 28-бет.

**Маънавият — буюк яратувчанлик кучи.** Маънавият чекинган жойда бузгунчилик бошланади. Аслида ҳам, маънавиятнинг чегарасидан чиқиш ахлоқсизлик, ҳуқуқбузарлик ёки жиноят йўлига кириш демакдир. Маънавият — инсоният томонидан яратилган барча яхшиликлар, фазилатлар мажмуи. Шундай экан, маънавият инсоният излаётган тинчлик ва ривожланиш асосида ётган бойликдир. Дунёда ўзаро ишонч ва ривожланиш бўлмас экан, тинчлик ва осойишталикни таъминлаб бўлмайди. Демак, тинчлик ва фаровонликнинг калити қуролланиш ёки қўрқитиш ва зўрликда эмас, маънавиятдадир<sup>1</sup>.

„Шундай жиноят борки, уни оқлаб бўлмайди, бу — Ватанга хиёнатдир“, — деб ёзган эди француз мутаффакири Пьер Буаст<sup>2</sup>.

**Юрт тинчлиги** — бебаҳо неъмат, улуг саодат ва барқарор тараққиёт гаровидир. Инсоният ўз тараққиётининг барча босқичларида, аввало, тинчлик-тотувликка интилиб яшаган. Тинчликни сақлаш ва мустақамлаш масаласи — умуминсоний муаммо. Шунинг учун мамлакатимиз Конституциясида „Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир“<sup>3</sup>, деб қайд этилган.

„Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири — бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришидир“<sup>4</sup>.

„**Комил инсон**“ **ғояси** — ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзодга хос энг юксак маънавий ва жисмоний мукамалликни ўзида мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олийжаноб ғоя. „Комил инсон“ ғояси нафақат муайян шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат соҳасида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган ғоядир. Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Улар таназзулга маҳкум. Миллий ғоямизнинг асосий мақсадларидан бири — ҳар томонлама комил инсонни тарбиялаш. **Комил инсон** — қуллик, мутелик, боқимандалиқдан батамом халос бўлган инсон. Чунки инсон бировга қулдек эргашса, демак, ижтимоий жиҳатдан у ҳеч нарсага эришмаган бўлади. Комил инсон ўз маслағи, Ватани, халқи манфаатларига ёт,

---

<sup>1</sup> *Мамадалиев Ш.О.* Ватанпарвар малакали кадрларни тайёрлаш — миллий ғоя талаби // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборот-номаси. — 2010. — №1. — 100-бет.

<sup>2</sup> *Очилдиев А.* Миллий фазилатларимиз ватанпарварлик. — Т., 2008. — 19-бет.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., 2010. — 10-бет.

<sup>4</sup> *Каримов И.А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т., 1999. — 58–59-бетлар.

зарарли мафкураларни тарқатаётган кимсалар ортидан кўр-кўрона эргашиб кетавермайди, огоҳ ва фаол бўлади.

„Ижтимоий ҳамкорлик“ ғояси — турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини ифодаловчи ғоядир<sup>1</sup>. „Ижтимоий ҳамкорлик“ ғоясини рўёбга чиқариш учун фуқаролик жамияти институтларидан юқори даражадаги уюшқоқлик, салоҳиятини кучайтириш, ташкилий, молиявий ҳолатини тубдан яхшилаш талаб этилади. Турли қарашга эга бўлган инсонлар ва гуруҳларни ягона мақсад йўлида бирлаштириш, жипслаштириш — ғоят мушкул ишлардан бири. Аммо, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек олий мақсадимизни рўёбга чиқаришда орзу-истаклар бирлашади. Шунинг учун „ижтимоий ҳамкорлик“ ғояси умумжамиат манфаатлари йўлида давлат, нодавлат нотижорат ташкилотларининг уйғунлик асосида иш юритишини тақозо этади<sup>2</sup>.

„Миллатлараро тотувлик“ ғояси — муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг баҳамжиҳат яшашлари, ҳамкорликда фаолият юритишларини ифодаловчи тушунча<sup>3</sup>.

„Миллатлараро тотувлик“ ғояси — мамлакатимиздаги турли миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликни ифода этувчи мустаҳкам пойдевор. Бу ғоянинг мақсади Ўзбекистондаги ҳар бир миллат ва элат вакилларининг эркин яшашлари ва фаолият кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Бугунги кунда ер юзида 6,5 миллиардга яқин аҳоли яшайди. Дунёдаги 1600 дан ортиқ этник гуруҳдан 200 га яқини миллий давлатчилигига эга, холос<sup>4</sup>. Ўзбекистонда 28,5 миллион аҳолининг тахминан 18 миллиондан кўпроғини, шунингдек, Тожикистонда жами аҳолининг — 24,4, Қирғизистонда — 13,8, Туркманистонда — 9,0, Қозоғистонда — 2,5 фоизини ўзбеклар ташкил қилади.

Ўзбекистон кўп миллатли, полиэтник давлат. Маълумотларга кўра, бундан юз йил аввал ҳозирги республикамиз ҳудудида 70 га яқин миллат вакиллари истиқомат қилган. Орадан 30 йил ўтгач, бу сон 91 тага, 1959 йил 113 тага, 1979 йил 123 тага етди.<sup>5</sup>

---

<sup>1</sup> Қаранг: Фалсафа: Қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. — Т., 2004. — 153-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: *Набираев А.* Ижтимоий ҳамкорлик фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим талабидир / Халқ сўзи. — 2011. — 21 апр.

<sup>3</sup> Қаранг: Фалсафа: Қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. — Т., 2004. — 262-бет.

<sup>4</sup> Қаранг: Фалсафа: Қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. — Т., 2004. — 262-бет.

<sup>5</sup> Ўзбекистон: динлараро ҳамжиҳатлик — тинчлик гарови / Нашрга тайёрловчи Ш. Сирожиддинов. — Т., 2005. — 28-бет.



Ҳозирги кунда эса Ўзбекистонда 137 та миллат ва элат вакиллари яшамоқда.<sup>1</sup> Уларнинг ҳар бири ўз миллий маданий урф-одатлари, анъаналари, тили, конституциявий-ҳуқуқий тенглигига эга. Ўзбекистонда барча миллат вакилларига нисбатан тенг ҳуқуқли муносабат Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган. Бунинг ижобати сифатида мактабларимизда 7 та миллий тилда ўқитиш ишлари олиб бориляпти.<sup>2</sup>

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг теле-радио каналлари орқали 10 та тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, қozoқ, қирғиз, тожик, туркман, татар, уйғур, озарбайжон тилларида) кўрсатув ва эшиттиришлар олиб бориламоқда<sup>3</sup>.

„Диний бағрикенглик“ (толерантлик) ғояси — хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг олийжаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади<sup>4</sup>. Бағрикенглик эса қадимий қадрият бўлиб, ўзгаларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли бўлишди.

Диний бағрикенглик диний толерантлик деб ҳам аталади. **Толерантлик** (лотинча „tolerantia“ сўзидан олинган бўлиб, „сабр-тоқат, чидам бардош“ деган маъноларни англатади)<sup>5</sup> бошқаларнинг фикр, эътиқод ва эркинликларига бағрикенглик ва сабр-тоқат билан муносабатда бўлишни билдиради.

Ўзбекистонда диний бирлашмалар фаолияти учун барча шароитлар яратилган. Масалан, бугунги кунда мамлакатимизда 17 та диний конфессия (уюшма) фаолият кўрсатмоқда ва 3 мингдан ортиқ диний ташкилот мавжуд. 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони асосида ташкил топган Тошкент Ислом университети, 14 та диний мадраса, 400 га яқин исломий-диний ўқув муассасаларида 4200 дан ортиқ ёшлар диний ва дунёвий таълим олмақдалар.<sup>6</sup>

Ҳозирги кунга келиб республикаимизда Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Рус православ черкови, Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси,

---

<sup>1</sup> Қаранг: Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон / Нашр учун масъул А.Бекмуродов. — Т., 2010. — 52-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Абилов Ў.М. Ўзбекистон тараққиётининг оптимистик руҳи. — Т., 2003. —184- бет.

<sup>3</sup> Қаранг: Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон / Нашр учун масъул А.Бекмуродов. — Т., 2010. — 52- бет.

<sup>4</sup> Қаранг: Миллий ғоя: тарғибот технологиялари луғати / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. — Т., 2007. — 136- бет.

<sup>5</sup> Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-ж. / Таҳрир ҳайъати Т.Мирзаев ва бошқ. — Т., 2008. — 138- бет.

<sup>6</sup> Қаранг: Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон / Нашр учун масъул А.Бекмуродов. — Т., 2010. — 47- бет.

Евангель христиан баптистлар черковлари Иттифоқи, Рим-католик черкови, Тўлиқ инжил христианлар маркази, Ўзбекистон библия жамияти (1906 та масжид, 163 та христиан черкови, 7 та яҳудийлар жамоаси, 7 та баҳойлар жамоаси, 2 та Кришнани англаш жамияти ва 1 та православ ва 1 та тўлиқ инжил христианлари семинарияси) давлат рўйхатидан ўтган.<sup>1</sup>

Ўзбекистон муслмонлари идораси муассислигида диний оммабоп, диний-илмий адабиётларни чоп этишга ихтисослашган „Мовароуннахр“ нашриёти, „Ислом нури“ ҳафталик даврий газетаси ҳамда „Ҳидоят“ ойлик журнали фаолият кўрсатмоқда. 1992 йилда буюк юртдошимиз, муҳаддислар султони Имом ал-Бухорийнинг „Ал-жомеъ ас-саҳиҳ“ („Ишонarli тўплам“) асарларининг тўртинчи жилди таржимаси 200 минг нусхада ва учинчи жилди 1994 йилда, иккинчи жилди 1996 йилда 200 минг нусхадан чоп этилди. Ўша йили Қуръони Каримнинг биринчи ўзбекча таржимаси Алоуддин Мансур томонидан амалга оширилиб, „Чўлпон“ нашриётида 100000 нусхада чоп этилди. 2002 йилда Абдулазиз Мансур томонидан амалга оширилган иккинчи таржимаси чоп этилди.

1992 йилдан буён Ўзбекистон радиосида „Ватандош“ радиостанциясининг „Жума учрашувлари“ эшиттиришлари мунтазам олиб борилмоқда. 1995 йилдан Ўзбекистон телевидениесининг Тошкент студияси орқали „Жума ўғитлари“ кўрсатуви намойиш этила бошланди. 1997 йилдан биринчи канал орқали „Ҳидоят сари“ ҳафталик диний-маърифий кўрсатувлари экранга чиқди.<sup>2</sup>

2007 йилда Ислом конференцияси ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси ISESCO томонидан „Тошкент — Ислом маданияти пойтахти“ деб эълон қилинди. Бу халқимизнинг ислом динига қўшган ҳиссасига берилган катта баҳо эди.

Ўзбекистонда 1992 йилдан бошлаб Рамазон ҳайити ва Қурбон ҳайити умумхалқ байрами сифатида нишонланиб келинмоқда. Шу билан бирга, 1990 — 2005 йилларда давлатимиз раҳбари томонидан дин соҳасини такомиллаштиришга қаратилган 16 та қарор қабул қилинган. 2005 йилгача 45 мингдан ортиқ фуқаролар ҳаж сафарини адо этганлар.<sup>3</sup>

**Тарбия** — ривожлантириш, парвариш қилиш, ўстириш, ўргатиш, илм бериш каби маъноларни англатади<sup>4</sup>. Президент Ислом Каримовнинг

<sup>1</sup> Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар / Масъул муҳаррир *И.Эргашев*. — Т., 2005. — 150- бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон: динлараро ҳамжиҳатлик — тинчлик гарови / Нашрга тайёрловчи *Ш.Сирожиддинов*. — Т., 2005. — 25- бет.

<sup>3</sup> *Ҳожиева М.* Ўзбекистонда толерантлик жараёни. — Т., 2005. — 74- бет.

<sup>4</sup> Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати / Таҳрир ҳайъати *Т.Мирзаев* ва бошқ. — Т., 2007. — 3-ж. 78- бет.

„Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз“ асарида таъкидланганидек, „жондан азиз болаларимизни ўзгаларнинг номаъқул тарбияси ва мудҳиш таъсирига ташлаб қўйиш — келажагимизга нисбатан кечириб бўлмас хиёнатдир“.

**Ғоявий тарбия** — инсон онги ва тушунчалари тизимида ҳаёт ҳақидаги фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий, бадиий, касбий қарашларни мақсадли шакллантириш жараёни.

**Мафкуравий тарбия** — инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараён.

**Эътиқод** — (ишонч ва иймон) — муайян мақсад ёки қадриятга ишонч, шу асосда шаклланган тафаккур. Инсон онгида қайта ишлаб чиқилган, яъни тажриба чиғириғидан ўтган, иккинчи марта қайта ҳосил бўлган билимларгина, шунингдек, ғоялар, назариялар, билимлар эътиқоднинг мустаҳкам бўлишини таъминлайди.<sup>1</sup>

**Ишонч** — ишониш ҳисси, туйғуси. Эътиқод этилган, суянилган, умид боғланган шахс ёки нарса, ишонса бўладиган, панд бермайдиган маъноларни англатади<sup>2</sup>.

**Масъулият** — арабча сўздан олинган бўлиб, жавобгарлик, ҳисоб беришлик деган маъноларни англатиб, бирор иш, хатти-ҳаракат оқибати, натижаси учун бўлган жавобгарликдир<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Фалсафа: Қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. — Т., 2004. — 468- бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати / Таҳрир ҳайъати Т.Мирзаев ва бошқ. — Т., 2006. — 2-ж. 257–258- бетлар.

<sup>3</sup> Ўша манба. — 555- бет.

## МУНДАРИЖА

Маънавий оламини асраш қайғуси (Сўз боши ўрнида) .....	3
Муқаддима .....	17
<b>Биринчи боб. Манавият — инсоннинг улғайиши ва</b>	
<b>куч-қудрат манбаидир</b> .....	35
<i>1 - мавзу.</i> Маънавиятни англаш .....	36
<i>2 - мавзу.</i> Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар .....	50
<i>3 - мавзу.</i> Маънавий ва моддий олам уйғунлиги .....	82
<b>Иккинчи боб. Мустақиллик — маънавий тикланиш ва</b>	
<b>юксалиш</b> .....	86
<i>4 - мавзу.</i> Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт .....	87
<i>5 - мавзу.</i> Маънавият ва жамиятнинг янгилиниши .....	103
<i>6 - мавзу.</i> Ислоҳотлар ва уларнинг маънавий мезони .....	121
<b>Учинчи боб. Маънавиятга таҳдид — ўзлимиз ва</b>	
<b>келажагимизга таҳдид</b> .....	128
<i>7- мавзу.</i> Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар .....	129
<i>8- мавзу.</i> Мунтазам ва узлуксиз маънавий тарбия ҳақида .....	138
<b>Тўртинчи боб. Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам</b>	
<b>пойдевори</b> .....	149
<i>9 - мавзу.</i> Инсон қалбига йўл .....	150
<i>10 - мавзу.</i> Энг буюк жасорат .....	172
Асарда келтирилган асосий тушунчалар изоҳи .....	177

66.3(Ў)  
Қ52

**Қобилов, Ш.Р.**

Маънавий оламни асраш қайғуси: Президент Ислом Каримовнинг „Юксак маънавият — енгилмас куч“ асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма / Ш.Р. Қобилов ; ЎЗР ИИБ академияси. — Т. : O‘qituvchi, 2011. 192 б.

ISBN 978-9943-02-427-4

УДК : 323(575.1)(075)  
ББК 66.3(5Ў)

**ШАРИФ РАҲИМОВИЧ ҚОБИЛОВ,**

*Иқтисод фанлари номзоди, доцент*

## **МАЪНАВИЙ ОЛАМНИ АСРАШ ҚАЙҒУСИ**

**Президент Ислом Каримовнинг  
„Юксак маънавият — енгилмас куч“ асарини  
ўрганиш бўйича ўқув қўлланма**

*„O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент — 2011*

Муҳаррир *С. Мирзахўжаев*  
Бадий муҳаррир *Ш. Хўжаев*  
Техник муҳаррир *Т. Грешникова*  
Компьютерда саҳифаловчи *К. Ҳамидуллаева*  
Мусахҳихлар *М. Иброҳимова, З. Фуломова*

Нашриёт лицензияси АIN№161. 14.08.2009. Оригинал-макетдан бошишга рухсат этилди 22.08.2011. Бичими 60x90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Гарн. Таймс. Кегли 11 шпонли. Офсет босма усулида босилди. Офсет қоғози. Шартли б.т. 12,0. Нашр т. 11,0. 5000 нусхада босилди. Буюртма №186-11.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг „O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент — 129. Навоий кўчаси, 30-уй // Тошкент, Юнусобод даҳаси, Янгишаҳар кўчаси, 1- уй. Шартнома № 07-113-11.